БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 245 (736)

12 ДЕКАБРЬ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг шу кунлардаги асосий вазифаси—кузги шудгорни ҳар томонлама авж олдириб юборишдан иборат. Кузги шудгорни тезда тугаллаш учун МТС ва совхозлардаги барча мавжуд техникадан унумли фойдаланиш, ер ҳайдашда икки сменада ишлашни ташкил этиш, механизаторлар ва колхозчилар ўртасида амалий социалистик мусобақани авж олдириб юбориш зарур.

(Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатидан)

Уй-жой қурилишига эътиборни кучайтирайлик

Меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини янада кўпроқ қондириш—Коммунистик партиямиз фаолиятининг олий қонунидир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашлар фаровонлиги тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш билан бирга уларни уй-жой билан таъминлаш ҳақида ҳам тинмай меҳрибонлик кўрсатиб келмоқдалар.

Уй-жой шароитини яхшилаш меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражасини кўтариш соҳасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган масаладир. Шунга кўра мамлакатимизда уй-жой қурилиши йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Совет давлати бешинчи беш йилликда шу мақсад учун тўртинчи беш йилликдагига қараганда икки баравардан ҳам кўпроқ — юз миллиард сўмга яқин маблаг сарфлади, 150 миллион квадратметрга яқин уй-жой бинолорини меҳнаткашларга фойдаланиш учун топширди. КПСС XX съездининг олтинчи беш йиллик плани юзасидан Директивларида уй-жой қурилишининг ҳажмини янада кенгайтириш белгиланган. Фақат давлат томонидан ажратиладиган маблаг ҳисобига 205 миллион квадрат метр ҳажмидаги уй-жой бинолари қурилиши кўзда тутилади. Олтинчи беш йилликнинг биринчи йилида катта ютуқларга эришилди — бу йил 36 миллион квадрат метр ҳажмдаги янги уйлар фойдаланишга топширилади.

Пойтахт ва областимиз меҳнаткашларини янги уйлар билан таъминлаш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ўтган йили областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳаммаси бўлиб 53 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилган бўлса, бу йилнинг фақат 10 ойи мобайнида 50 минг квадрат метр ҳажмида янги уйлар қуриляб фойдаланишга топширилди. Пойтахт қурувчилари партия ва ҳукуматнинг кўрсатмасини амалга ошира бориб, ўз фаолиятларини анча яхшиладилар — уй-жой қурилиши суръати бирмунча тезлаштирилди, қурилишдаги ортиқчалик камайди, қурилиш ишларининг таннархи камая бошлади. Илгариги майда ва тарқоқ қурилиш ташкилотларининг битта ягона «Главташкентстрой»га бирлаштирилганлиги қурилиш ишларини марказлаштиришда ташкилий ва раҳбарлик ишларини яхшилашга ёрдам берди.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, уй-жой қурилишида эришилаётган айрим ютуқлар билан бир қаторда бу соҳада ҳали катта камчиликлар ҳам бор. Шу нарса ҳаммага аёндирки, бизда уй-жой масаласи шу кунга қадар энг оғир ва ҳал этилмаган масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бизда ҳали яхши жиҳозланган уй-жойлар етишмайди. Шундан равшандирки, қурувчиларимиз олдида янги уйлар қуриш суръатини ошириш ва унинг ҳажмини кенгайтиришдек муҳим вазифа турибди. Аммо давлат аҳамиятига эга бўлган бу вазифа қониқарсиз бажарилмоқда.

Тошкентда 1956 йилда 37 минг квадрат метр уй-жой ўрнига ҳозирги кунгача атиги 15 минг квадрат метр, областнинг шаҳар, поселка, МТС ва совхозларида эса 125 минг квадрат метр ўрнига атиги 50 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой фойдаланишга топширилгонлигини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бунинг сабаби шундаки, маҳаллий Советлар, район ва шаҳар ижроия комитетлари, саноат корхоналари маъмурияти уй-жой қурилиши масаласи билан жиддий шуғулланмайдилар, қурилиш ташкилотига нисбатан талабчанлик қилмайдилар, уларнинг ишига яқиндан ёрдам бермайдилар. Касаба союз ташкилотлари эса уй-жой қурилишининг бориши устидан етарли контроль ўрнатмаганлар. Олмалиқ ва айниқса Янгийўл шаҳарларининг қурилиш ташкилотлари томонидан то шу кунгача уй-жой қурилишига 1956 йил учун ажратилган маблағдан атиги 53-60 процанти миқдорида фойдаланилганлиги ва 32-38 процент миқдорида уй-жой фойдаланишга топширилганлиги кечириб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим қурилиш ташкилотлари уй-жой қурилишининг сифатли бўлиши учун курашмаётирлар. Баъзан уйларни тўла битказмасдан чала-пулча топшириш фактлари ҳам рўй бермоқда. «Главташкентстрой»га қарашли 227, 973 ва 701-УНР каби қурилиш ташкилотларида (бошлиқлари Сентолович, Биченков ва Векслер ўртоқлар) ана шундай фактлар содир бўлмоқда. Уй-жой қурилиши соҳасидаги бу хилдаги нуқсонларга батамом барҳам бериш керак.

Қурилиш ташкилотлари ва қурувчилар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш ва уни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Партия ва касаба союз ташкилотлари бу масалага алоҳида эътибор беришлари зарур. Бу соҳада пойтахтдаги 972-УНРда (бошлиғи Давидов, партия ташкилотининг секретари Назрухин, касаба союз ташкилотининг раиси Соколов ўртоқлар) қилинаётган иш диққатга сазовордир. Бу қурилиш ташкилотида қурувчилар ўртасида социалистик мусобақа яхши ташкил этилгани туфайли қурилиш плани мунтазам равишда ошириб бажарилмоқда, қурилиш ишлари пухта олиб борилмоқда.

Шуни унутмаслик зарурки, уй-жой қурилишига министрлик ва корхоналарнинг раҳбарларигина жавобгар эмас. Меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилаш — Советларнинг жонажон ишидир. Уй-жой қурилишига яқиндан раҳбарлик қилиш, қурилишнинг бориши ва сифатини систематик равишда назорат қилиб туриш, қуриш муддатини қисқартириш ва таннархини камайтириш учун кураш — шаҳар, район ва поселка Советларининг муҳим вазифасидир.

Уй-жой қурилиши ишларининг сифатли бўлиши ва қурилишни тезлаштиришда касаба союз ташкилотларининг роли бениҳоя каттадир. Уй-жой қурилишининг бориши устидан контроль қилиб туриш касаба союз ташкилотларининг муҳим вазифаларидан биридир. Касаба союз ташкилотлари саноат корхоналари маъмурияти билан тузилган шартномага биноан хўжалик раҳбарларидан уй-жой қурилиши планининг бажарилишини қатъий талаб қилишлари керак.

Қурилиш ишларининг тезланиши кўп жиҳатдан проектлаш ташкилотлари, қурилиш материаллари саноати ва автотранспорт министрлигининг фаолиятига боғлиқдир. Шунга кўра бу ташкилотлар ўз ишларидаги сусткашликка тезда барҳам беришлари, қурилиш ташкилотларини ўз вақтида проект ҳужжатлари ва етарли миқдорда қурилиш материаллари билан таъминлаб туришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Шунга эришайлиқки, қурилаётган ҳар бир уй-жой объекти сифатли бўлсин ва белгиланган муддатда фойдаланишга топширилсин. Қурилиш ташкилотларининг олдида турган асосий вазифа — қурилаётган бинолорнинг мустаҳкам, кўркам бўлишига, унда яшайдиган кишилар ўчун барча қулайликлар яратилишига эришишдан иборатдир. Уй-жой фонди қурилиши билан боғлиқ бўлган барча масалаларни изчиллик билан ҳал этиб, қурилиш ташкилотларига амалий ёрдам бериш — партия ва совет ташкилотларининг бурчидир.

Халқ хўжалигимизни янада ривожлантириш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган совет кишиларини янги чиройли уйлар билан кўпроқ таъминлайлик!

Давлат „Березка“ хореография ансамбли шарафига қабул маросими

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги 11 декабрда кечқурун Давлат «Березка» хореография ансамбли шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида ансамблнинг бутун коллективи ҳозир бўлди. Меҳмонлар орасида Ўзбек санъатининг отоқли усталари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, журналистлар бор эди.

Ўзбекистон ССР Маданият министри А. М. Қўчқоров рус хореография санъати усталарини табриклаб, Ўзбекистонда берган гастроллари учун уларга самимий ташаккур изҳор қилди ва ансамблнинг Тошкентда катта муваффақият қозонганлиги Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлик туйғуларини, ўзбек халқининг улуғ рус халқига муҳаббатини ифода этди, деди.

Ўртоқ Қўчқоров ансамбль коллективига ташаккурнома топширди. Бу ташаккурномада «Березка» артистларининг маҳоратига юксак баҳо берилади.

Ансамбль солисти Л. Шалаева «Березка» коллективи номидан гапириб, Ўзбекистон пойтахти ансамблни самимий кутиб олганлиги учун қизғин ташаккур билдирди.

Қабул маросимида «Березка» артистларига эсдалик учун совғалар топширилди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Шудгорлашнинг сифати юзасидан агротехника қоидаларини қўпол равишда бузиш фактлари тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси шудгорлаш сифати юзасидан агротехника қоидаларини қўпол равишда бузиш каби жуда кўп фактларнинг мавжудлигига асло йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди.

Республиканинг кўпгина колхоз ва совхозларида ерлар чимқирқарсиз плуглар билан айланма усулда чала ва 28-30 сантиметр ўрнига 10-15 сантиметр чуқурликда ҳайдалмоқда ва ҳайдаш олдидан ерга маҳаллий ва минерал ўғитлар солинмаётир.

Ерларни ичкарига ва ташқарига ағдариб ҳайдашнинг зарур бўлган йиллик навбатланишига риоя қилинмаётир. Бунинг натижасида ер ўнқир-чўнқир бўлиб қолиб сугоришни сифатли ўтказиш қийинлашади ва гўзанинг сийраклашиб ҳамда бир текис ривожланмаслигига сабаб бўлади.

Шундай фактлар ҳам борки, сугориш участкаларининг чала ҳайдалган жойлари, ишланмай қолиб кетган марза ва бурчаклари 20-30 процентни ташкил қилгани ҳолда, ҳисоботларда бутун майдон батамом ҳайдалди деб кўрсатилмоқда.

Ерни тайёрлаш сифатининг шундай кўпол бузилиши келгуси йил ҳосилининг тақдирини жиддий хавф остида қолдиради, бу кўклам экиш ишларини анча мураккаблашиб кетишига ҳамда ерни тайёрлашга қўшимча меҳнат сарф этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси қайд қиладики, биринчи навбатда МТС ва совхозларнинг директорлари, колхозларнинг раислари, колхоз, МТС ва совхозларнинг агрономлари, трактор парки ишларини сифатли ташкил этишдан четда туришлари, шудгорнинг сифати устидан контроллик қилмаётганликлари, брак қилувчиларга қарши кураш олиб бормаётганликлари, ҳар бир ҳайдалган участкада ишнинг сифатига караб қабул қилиш тўғрисидаги белгиланган тартибларни кўпол равишда бузаётганликлари сабабли ерни сифатсиз ҳайдаш ва брак иш қилиш ҳоллари жуда кўплаб рўй бераётир.

Кўпчилик ҳолларда прицепшчик-плугчиликка тажрибасиз колхозчилар, ўсмирлар қўйилиб, айрим ҳолларда эса тракторлар прицепшчиксиз ишламоқда.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари аралашмаслик позициясида туриб олиб ерни сифатсиз ҳайдалиши каби жуда кўп фактларга нисбатан келишувчилик қилмоқдалар ҳамда МТС, колхоз ва совхоз раҳбарларига давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим иш юзасидан зарур бўлган талабчанликни қилмаётирлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси область ва районларнинг партия ва совет ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг тракторчилар учун зарур бўлган маиший шароитни яратиб беришга бегамлик билан қараётганликларини ва трактор бригадалари ходимлари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш тадбирларини кўрмаётганликларини асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети **қарор қилди:**

Келгуси йил ҳосили учун ерларни тайёрлаш сифатининг ҳозирги аҳволи талабга мутлақо жавоб бермайди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, МТС ва совхозларнинг директорлари, колхоз раҳбарларидан шудгорлашни уюштириш юзасидан ушбу қарорда кўрсатилган камчиликларни дарҳол тугатилсин ва ҳамма ерда кузги-қишки ишларнинг юқори сифатли қилиб ўтказишни таъминлаш талаб этилсин.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлигига область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига, МТС ва совхозларнинг директорларига ҳамда колхозларнинг раҳбарларига қуйидагиларни амалга ошириш мажбурияти юклатилсин:

а) МТС, колхоз ва совхоз агрономларининг ҳамма ерда шудгорлаш сифати юзасидан айниқса тунги пайтларда контроллиги уюштирилсин ва ерларни кўкламги экишга тайёрлашда талаб этиладиган барча агротехника қоидаларига риоя қилинсин. Ишнинг сифатини контрол қилишга колхоз ва совхозларнинг кенг активи жалб этилсин. Ҳамма ерда ҳам ҳар бир ҳайдалган участкани колхоз раислари томонидан қабул қилиб олиш тўғрисида белгиланган тартибга риоя қилиш таъмин этилсин;

б) ҳар бир участканинг тўла ҳайдалиши таъмин этилсин, бурчаклар ва марзаларнинг ҳаммаси чала қолдирилмасдан ҳайдалсин. Далани чигит экишга кузданоқ тайёрлаб қўйиш учун ҳайдашдан кейин участкалар яхшилаб текислансин;

в) ерни саёз ва чимқирқарсиз плуг билан ҳайдалишига ҳеч бир йўл қўйилмасин, нами етарлик бўлмаган ерларда корпуси камайтирилган плуглардан фойдаланиб, бу ҳолда айниқ участкалар учун мувофиқ келадиган иш ва ёнилғи сарфлаш нормалари белгилансин.

Барча ҳайдов агрегатларига тажрибали колхозчилардан, биринчи навбатда звено бошлиқларидан танлаб прицепшчиклар биркитиб қўйилсин;

г) шудгорлашда ерга гўнг ва бошқа маҳаллий ўғитлар солишда барча мавжуд имкониятлардан ҳамда минерал ўғитлардан тўғри фойдаланилсин.

д) тракторчилар ва прицепшчикларга зарур шароит яратиб берилсин — улар иссиқ овқат, иссиқ кийим ва оёқ кийимлари билан таъмин этилсин. Трактор бригадалари ходимларининг шу чоққача берилмай келган пул ва донлари беш кун ичида тўлансин, колхозларнинг шу мақсад учун зарур бўлган аванс маблағлари машина-трактор станциялларига ўз вақтида ўтказилиши таъмин этилсин.

МТС ва совхозларнинг директорларига, колхоз раисларига бракка қарши кескин кураш олиб борши, сифатсиз ҳайдалган ерларни уларнинг айбдорлари ҳисобига ўз вақтида қайта ҳайдашни таъмин этиш мажбурияти юклатилсин.

Прокуратура органларига қасддан брак иш қилувчиларни жавобгарликка тортиш вазифаси топширилсин.

„Березка“ ансамблининг якунловчи концерти

Давлат «Березка» хореография ансамбли икки ҳафтадан буён Ўзбекистон пойтахтида меҳмон бўлиб турибди. Шу вақт ичида талантли коллектив ўн тўрт марта концерт берди. Бу концертлар гоят муваффақиятли ўтди ва республиканинг маданий ҳаётида катта воқиа бўлди.

11 декабрда Навоий номли Ўзбек давлат опера ва балет театри биносида ансамблнинг якунловчи концерти бўлди.

Парда очилганда «Далада қайин турарди» деган рус халқ қўшиғи куйлари таралади. Шу пайтда рус сарафанларини кийган ва қўлларига қайин новдаларини кўтарган бир тўда қизлар саҳнада пайдо бўладилар. Хотин-қизлар рақс ансамблининг ижодий фаолияти бошланган биринчи кунлардаёқ томошабинлар ана шу ансамблни рус табиатининг бойлигини гавдалантируччи ана шу дарахт номи билан атаган эдилар. Қизлар худди сузиб бораётгандай кўринадилар. Рақс шакллари ўзгариб туради.

Концерт программаси бой ва хилма-хил. Томошабинлар қадимий хороводларни, ҳозирги рақсларни, колхозчилар ва ишчи ёшларнинг ўйинларини кўрадилар.

Уч қиз — Клавдия Романова, Любовь Тринова ва Валентина Федюхина саҳнага чиқадилар. Улар «Тройка» деган рус рақсини ҳазил ва жўшқинлик билан ижро этадилар. Бу рақсдан кейин қадимий рус хороводи «Цепочка», қизларнинг чаққон ижро этилган кадрили, «Кубань казаклари» кинофильмидаги қизлар лирик рақси бошланади.

Баянлар садоси жаранглайди. Евгений Кузнецов, Петр Галкин, Владимир Корнев ва Геннадий Львов маҳорат билан баян чаладилар. Тамара Лукьянова, Джелла Агафонова, Валентина Олехнович, Майя Рандмер ва Петр Галкин баянлар садоси остида «Полька» ўйинига тушадилар. Капитолина Федосеева ўз дугоналари билан казаклар рақсини ижро этади. Томошабинлар Нина Болгова, Зинаида Шаркина, Нина Рябова, Любовь Амелькина, Евгения Карманованн ва ансамблнинг бошқа солистларини гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Концертнинг охирида «Совет ёшлари» деган группа рақси ижро этилади. Ансамбль бу рақсда олий жаноб ва гўзал, меҳнатсевар ва талантли рус қизларининг фазилатларини жуда яққол ифода этди.

Концерт тамом бўлди. Аммо томошабинлар анча вақтгача залда қоладилар. Улар ансамбль коллективини қарсаклар билан табриклаб, рақс санъати усталаридан самимий миннатдор эканликларини изҳор қиладилар. Ансамбль коллективига гуллар тақдим этилади.

Ўзбекистон санъати усталари саҳнага чиқадилар. Ўзбекистон ССР халқ артисти Галия Измайлова азиз меҳмонларга ажойиб концерт берганликлари учун Ўзбекистон санъат усталари номидан ва томошабинлар номидан ташаккур билдиради, уларга янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайди.

«Березка» артистлари номидан ансамбль солисти Любовь Шалаева (Тринова) жавоб нутқи сўзлайди. У ансамблнинг самимий кутиб олинганлиги учун Тошкент жамоатчилигига ташаккур билдиради.

Ансамблнинг бадиий раҳбари, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Надежда Сергеевна Надеждинанинг телеграммаси ўқиб берилади. Ўртоқ Надеждина «Березка» ансамблининг гастролларига зўр эътибор берилганлиги ва ансамблнинг концертларига юксак баҳо берилганлиги учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади.

Телеграммада бундай дейилади: «Ўзбек халқининг меҳнат соҳасидаги буюк ғалабаси Ленин ордени билан тақдирланганлиги муносабати билан катта байрам ўтказган кунларда гастроль берганлигимиз бизни айниқса қувонтиради».

* * *

Давлат «Березка» хореография ансамбли коллективи 12 декабрда Сталинободга жўнайди. (ЎзТАГ).

УРТАСАРОЙ РАЙОНИ ДАВЛАТГА ПАХТА ТОПШИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН ЯНГИ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИ

Уртасарой районининг колхозлари 6 декабргача давлатга 21027 тонна пахта топшириб, ўз зиммаларига олган янги социалистик мажбуриятларини бажардилар. Янги оширилган мажбурият ҳисобидан тайёрлов пунктларига 1400 тонна пахта етказиб берилди. Бу йил район бўйича 8250 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозиргача ўрта ҳисобда 25,4 центнердан ҳосил олинди.

Шу кунларда район пахтакорлари барча кучни даладаги ҳосилнинг қолган қисмини ҳам тез кунда йиғиб-териб олиш ҳамда келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлашга сафарбар қилмоқдалар.

Қишлоқда илғор тажрибага кенг йўл берилсин

1956 йилнинг охирги ойи ўтиб бормоқда. Шу кунларда колхозчи деҳқонлар ўзларининг йил бўйи қилган меҳнатларини якунламоқдалар. Ҳали ишларнинг ҳаммаси ҳам тугалланганги йўқ, даромадларнинг ҳаммаси ҳам ҳисобланиб чиқилгани йўқ, лекин қишлоқ меҳнаткашларининг Коммунистик партия XX съезди белгилаб берган программани амалга ошириш учун олиб борган курашы яхши муваффақият билан тугалланганлигини ҳозирнинг ўзида ҳамма кўриб турибди. Ғалла, картошка, сабзавот, қанд лавлаги, пахтадан мўл ҳосил олинди, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ошди. Давлатга ўтган йилдагига қараганда анча кўп қишлоқ хўжалик маҳсулоти топширилди ва сотилди.

Бу муваффақиятлар Коммунистик партия қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз юксалтирмоқ учун тўғри йўллар чизиб берганлигини яққол кўрсатмоқда. Кейинги уч йил мобайнида партия қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кенгайтирмоқ, колхозлар, МТСлар ва совхозлар экономикасини юксалтирмоқ, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини оширмоқ учун жуда кўп куч ва ғайрат сарфлади. Қўриқ ерлар ўзлаштирилди, колхоз раҳбар кадрлари состави мустаҳкамланди, МТСлардаги мутахассислар колхозларга кўчирилди, планлаштиришнинг янги тартиби жорий қилинди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш нархлари оширилди — мана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг энг зарур талабларига мос бўлиб тушди ва мос бўлиб тушмоқда.

Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбирлари қишлоқ меҳнаткашларини активлаштириб юборди, одамларда қишлоқ хўжалик меҳнатига қизиқишни кучайтирди. Илгари кўп колхозчилар қишлоқлардан кетиб қолиб, шаҳарда бирор жойга ўрнашиб олган бўлсалар, эндиликда қишлоқ хўжалиги билан алоқасини аллақачонлар узиб, шаҳарда яшаб турган минглаб-минглаб қишлоқи колхозларга қайтиб бормоқдалар, колхоз ишлаб чиқаришига актив қатнашмоқдалар. Эндиликда ҳар бир колхозчи ижтимоий хўжаликда мумкин қадар кўпроқ меҳнат куни ишлашга интилмоқда, чунки меҳнат кунларига бериладиган даромадлар сезиларлик равишда кўпайди. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида одамларнинг ижодий ташаббуси ўсиб бормоқда, ўз ишининг мастерлари бўлган кишиларнинг, социалистик меҳнат методлари илғорларининг сафлари кўпаймоқда. Новаторларнинг ижодкорлигини партия органлари қўллаб-қувватлаётган, бу ижодкорлик моҳирлик билан пропаганда қилинаётган ва қунт билан жорий қилинаётган жойларнинг ҳаммасида новаторларнинг бу ижодкорлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг қудратли воситасига айланмоқда.

Зауральнинг машҳур тажрибакори Терентий Семенович Мальцев дон экинлари экмоқ учун ерни янгича ишлаш усулини кашф қилди. Бу усул юксак даражада самарали бўлганлигига қарамай, узоқ вақтгача татбиқ қилинмай келди. Партия Марказий Комитети аралашганидан кейингина новаторнинг тажрибалари колхозларга ва совхозларга ёйилди. Т. С. Мальцев яшаб ва ишлаб турган Курган областида бу йил янги усул билан 500 минг гектарга яқин ерга ғалла экилган эди. Хўш, ишлаб чиқариш учун бу усул нималарни берди? Ҳар бир гектардан қўшимча равишда уч ярим центнердан дон олинди. Натижада область давлатга энг серҳосил 1954 йилдагига қараганда бир неча миллион пуд кўп ғалла топширди. Деҳқончиликда ижодкорлик методини қўлланишнинг яққол якуни мана шунақа бўлди!

Ўрта Осиё республикаларида чигитни квадрат-уялаб жойлаштиришнинг янги усули ишлаб чиқилган эди. Лекин эскича ишлаш одати янги методга йўл бермай келди, бу методни ишлаб чиқаришга жорий қилишга тўсқин бўлди. Ўзбекистон партия ташкилоти бу ишни ўз қўлига олди. У новатор пахтакорларни қўллаб-қувватлади, улар меҳнатининг методларини кенг татбиқ қилишга эришди. Бунинг натижалари ҳам тез фурсатда ўзини кўрсатди. Ўзбекистон ССР пахтадан мўл ҳосил олди ва пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарди. Давлатга ўтган йилдагига қараганда 440 минг тонна кўп пахта топширилди.

Бу яққол мисоллар янгиликлар ҳали ҳам ўзини четга тортаётган, ишлаб чиқариш мастерларини лозим бўлган даражада қўллаб-қувватлаётган раҳбарларга яхши сабоқ бўлиши керак. Йилнинг якунлари тўпланаётган ҳозирги пайтда энг муҳим вазифа шуки, ҳар бир колхоз янгиликни жорий қилганлиги натижасида нималарга эришганлигини, артель аъзоларининг меҳнат кунига бу янги метод қандай таъсир қилганлигини анализ қилиб чиқиш керак. Янги, илғор ва прогрессив ташаббусларни жорий қилмоқ учун бу ташаббуснинг ишлаб чиқаришга берган самарасини одамларга тажрибада, конкрет мисоллар билан кўрсатиш, бу ташаббусни иқтисодий жиҳатдан пухта қилиб асослаб бериш керак. Энг муҳими шуки, шаблонга йўл қўйилмасин, бутун ишни бузиб қўйиши, фойдали ижодий ташаббусни обрўсизлантириши мумкин бўлган хатоларнинг олди олинсин.

Кейинги вақтларда қишлоқда ишлаб чиқариш бинолари, маданий-маиший бинолар ва уй-жой бинолари қуриш кенг авж олиб кетди. Баъзи колхоз қишлоқларининг қиёфаси худди кўз олдимизда ўзгариб кетаётир. Ҳамма ишда бўлганидек бу ишда ҳам кенг ёйишга арзийдиган, ибрат бўладиган қизиқтирарли янги ташаббуслар кўп. Партия ташкилотлари илғор қурилиш бригадаларига экскурсиялар ташкил қилиб, уларнинг тажрибаларини ўз жойида ўрганиб ва сўнгра бу тажрибаларни ўз колхозларида, совхозларида, машина-трактор станцияларида қунт билан жорий қилиб тўғри иш қилмоқдалар.

Красноярск ўлкасидаги Минусинск районикинг колхозчилари Сибирда биринчи бўлиб тежамли силос башнялари қуришга киришдилар. Бу иншоотни қуриш учун материал ғучалик кўп кетмаса ҳам, лекин башнялар Сибирнинг қаҳратон совуқларида силосни асрамоқ учун мустаҳкам ва ишончли бўлиб қурилади. Ўлка партия комитети Минусинск районидаги колхозларга бир қанча экскурсиялар ташкил қилди. Бу ерга райкомларнинг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, колхозларнинг раҳбарлари, бинокорлар келишди. Орадан кўп ўтмай Красноярск ўлкасидаги кўп колхозларда мана шундай қурилиш бошланиб кетди. Ҳозир бу ўлкада 1.200 дан кўпроқ қурилиш бригадаси ишламоқда. Бу бригадалар ер-ой бинолари, мактаблар, клублар, молхоналар қурмоқдалар ва бу қурилишларда маҳаллий бинокорлик материалларидан фойдаланмоқдалар. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида колхоз бинокорлари ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда уч баравар кўп бинони қуриб битказдилар ва фойдаланишга топширдилар.

Олтой ўлкасидаги Ново-Егорьевск МТСининг механизаторлари қиммати ташаббус кўрсатдилар. Уларнинг кучи билан қурилган ғишт заводи колхозларни қиммати бинокорлиқ материаллари билан таъминлаб туради. Шу пайтгача бу завод дастлабки бир миллион дона ғишт тайёрлаб берди. Механизаторлар ғишт териш, дурадгорлик, том ёпиш касбларини эгаллаб олдилар, ғишт пиширишни ўрганиб олдилар. Ғиштдан катта-катта бинолар қуриш бошланмоқда. Олтой ўлкасида бу яхши тажриба кенг равишда қўллаб-қувватланди. Шипуновск, Степной, Солоновский МТСларида ва бошқа бир қанча машина-трактор станцияларида механизаторлар колхозчиларга янги иморатларни тезроқ қуриб олишда ёрдамлашмоқ учун ғишт заводлари қуришга қарор қилдилар.

Қимматли ташаббусни ўз вақтида пайқаб олиш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш — кенг оммани ижодкорликка тортиш, оммага меҳнатнинг янги методларини эгаллаб олишда ёрдамлашиш демакдир. Бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқариш новаторлари бўлмаган ҳеч бир жой йўқ. Ҳар бир колхозда ва совхозда, ҳар бир МТСда иш методларини ҳормай-толмай такомиллаштираётган, меҳнат унумдорлигини ошираётган, ўз ишининг усталари бўлган кишилар бор.

Жуда катта натижаларга эришган кўпминглаб кишиларнинг ишлари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида кўрсатилди. Уларнинг тажрибалари жуда синчиклаб ўрганишга сазовордир. Ҳозирги вақтда кўп совхозларда одамлар агротехника ва зоотехника курсларида шуғулланмоқдалар. Бошқалар билан баббаравар шарт-шароитда ишлаб колхозда энг юксак натижаларга эришган илғор бригадирнинг, звено бошлиғининг, донгдор сут соғувчининг, энг яхши сабзавотчининг, боғбонининг иш методларини муҳокама қилмоқ учун шу курсларда махсус машғулот ўтказилса бўлмайдими, ахир? Бу ишни ўтказишда қишлоқ коммунистлари ва комсомоллари, агрономлар, зоотехниклар, колхоз ишлаб чиқаришининг новаторлари ташаббусчи бўлишлари лозим.

Қишлоқ хўжалигида илғорлар тажрибасини пропаганда қилиш, афсуски, кўпинча бирқолипда, паст даражада олиб борилаётир. Кўп ҳолларда колхозчиларнинг машғулотларида, ҳар хил кенгашларда илғорларнинг кўрсаткичларидан кўпи айтиб берилади-ю, лекин новаторлар меҳнатининг ижодий методлари бутунлай очиб берилмайди. Маҳаллий матбуот, радио, қишлоқ агитаторлари колхоз қишлоғидаги илғор кишиларнинг ижодий меҳнат натижаларини яхши тушунарли қилиб пропаганда қилишлари, уларнинг иш усулларини чуқур очиб беришлари лозим.

Тез фурсатда колхозларда йил якунларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишлар бошланади. Энг муҳими шуки, одамлар бу йиғилишларга пухта ва ҳартомонлама тайёрланишлари, ўз ишларидаги ҳамма ютуқларни ва камчиликларни ҳисобга олишлари лозим. Вазифа шуки, бу йилнинг якунларидан яқин келажак учун тегишли хулосалар чиқариб олиниши керак. Мамлакат қишлоқ меҳнаткашларидан социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги муваффақиятлар кутади.

(«ПРАВДА»нинг 10 декабрдаги бош мақоласи).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Камчиликлар дадил очиб ташланди

Яқинда «Чирчиксельмаш» заводи партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Завод коммунистлари бу йиғилишга кўп йиллар давомида биринчи марта меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритган ҳолда тўпландилар. Йиғилишда ҳисобот доклади қилган завод партия бюросининг секретари Ўртоқ Мусин завод коллективи партия XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, корхонани ўпирилишдан олиб чиққанлиги, унинг бир меёрда ишлашига эришгани, техника прогрессини ривожлантириш учун олиб борган кураши ҳақида муфассал гапириб берди.

Завод партия ташкилоти ички резервлардан фойдаланиш, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширди. Цехларда бир неча механизациялаштирилган осма йўллар қурилди, конвейерлар ишга туширилди, янги аппаратлар ишлаб чиқарувчи цех барпо этилди ва ҳоказолар.

Докладчи партия йиғилишларининг ролини кўтариш коммунистларнинг активлигини ошириш имкониятини берганлигини, бунга партия ички демократиясини ривожлантириш ва коллектив раҳбарлик қилиш принципига амал қилиш туфайли эришилаётганлигини кўрсатди. Кейинги вақтда КПСС XX съезди кўрсатмаларига амал қилиб, ишлаб чиқаришнинг кўпгина муҳим масалалари коллегиал равишда кенг партия активининг иштирокида ҳал қилина бошланди.

Лекин шуни айтиш керакки, докладчи ишлаб чиқаришдаги, шунингдек партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишдаги камчиликларни тўла очиб ташламади, бу ҳақда енгил-елпи гапириш билан чегаралланди.

Заводда мавжуд асбоб-ускуналарнинг қувватидан ҳамон тўлиқ фойдаланилмаётир. Маҳсулотнинг сифати учун кураш бўш ташкил этилган, сменаларда кўплаб маҳсулот йўқотилаётир. Партия бюроси эса бу масалалар билан чинакам шуғулланмаётир, унинг сабаблари нималардан иборат эканлигини аниқлашга ҳаракат қилмаётир. Шунингдек у, маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан контроль олиб бориш соҳасида ўзига берилган ҳуқуқдан тўла фойдаланмаётир. Оммавий-сиёсий ишларнинг кўлами ва савияси ҳозирги куннинг талабларига тўла жавоб бермайди. Доклад юзасидан бўлган музокараларда чиқиб сўзлаган коммунистлар йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини ана шу масалаларга қаратдилар.

— Биз, — деди 2-цех мастери Ўртоқ Курбонов, — маҳсулотнинг қариб 40 процентини брак бўлгани учун қуйиш цехига қайтариб юборишга мажбур бўлаётирмиз. Шуни айтиш керакки, завод партия бюроси ва қуйиш цехининг партия ташкилоти қуюлманинг сифатини яхшилаш ҳақида бир неча марта қарор қабул қилдилар, бироқ унинг амалга оширилишини таъминламадилар.

Йиғилиш қатнашчилари техника хавфсизлиги масаласига ҳам катта эътибор бердилар. Бу йил заводда ўнлаб бахтсиз ҳодисалар юз берди. Бунга партия бюроси қандай муносабатда бўлмоқда? Бу ҳақда техника хавфсизлиги бўйича старший инженер Ўртоқ Опораниг йиғилишда айтган қуйидаги гапи характерлидир:

— Бир куни мен, — деди у, — Мусин ва касаба союз комитетининг раиси Соболь Ўртоқлар билан кетаётиб, Ўртоқ Мусинга заводда техника хавфсизлиги иши ёмон аҳволда, уни жиддий муҳокама қилиш лозим, деб мурожаат қилдим. Ўртоқ Мусин эса менга «бу ҳақда Ўртоқ Соболга мурожаат қил» деб жавоб берди. Техника хавфсизлиги масаласига бундай муносабатда бўлиш фақат ишга зарар етказиши мумкин.

Қуювчилар бригадасининг бошлиғи Ўртоқ Ждановнинг кўрсатишича, қуйиш цехида техника хавфсизлигига риоя қилинаётганлигини ҳар қадамда учратиш мумкин. Бу ерда дам винтиляторлар ишламай қолади, дам текстроп ремнилари ва зарур симлар етишмайди. Бу «майда-чуйдалар» эса тўғридан-тўғри ишнинг бир меёрда боришига халақит бераётир.

Коммунистлар партия бюросини коллектив ўртасида оммавий-сиёсий ишларни суст олиб боргани учун ҳаққоний танқид қилдилар. Цехларнинг коллективлари ўртасида сиёсий доклад ва лекциялар камдан-кам ташкил этилади. Масалан, партия бюросининг аъзолари кейинги ярим йил ичида ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимлар ўртасида сиёсий темада бирон марта ҳам доклад ва лекция ўқимаганлар, улар билан суҳбатлашмаганлар. Айрим цехларда, айниқса завод бошқармасида деворий газеталар онда-сонда гина чиқарилади. Партия бюроси эса бунга тегишинча аҳамият бермаётир. Коммунистлардан Матвеев ва бошқа Ўртоқлар ана шу ҳақда гапирдилар.

Техника кутубхонасининг ходими Ўртоқ Гренкевич эса партия бюросини хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ва партиявий ишларни кучайтириш масаласи билан кам шуғулланганги учун танқид қилди. Ўртоқ Глазунова раҳбар бўлган хотин-қизлар Совети кўп вақтдан буён ҳеч иш қилмаётир. Ўртоқ Глазунованинг ўзи оналар билан суҳбатлашмайди, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганмайди, ётоқхоналарга бориб турмайди. Ишчи хотин-қизларга бирон кўзга кўринарлик ёрдам берилмаётир.

Йиғилишда шаҳар партия комитетининг адресига ҳам жиддий танқидий мулоҳазалар айтилди. Шаҳар партия комитетининг ходимлари заводга камдан-кам келадилар, улар саноатга ҳамон эски метод билан раҳбарлик қилмоқдалар. Жумладан, 1-цех партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Гумиров бундай деди:

— Бир куни бизнинг цехимизга шаҳар партия комитетининг инструкторлари Лукин ва Семенов ўртоқлар келдилар. Лекин улар партия ходимлари кўпи кўпроқ ревизорлар, регистраторларга ўхшаб иш кўрдилар. Сўнгра бир неча шунчаки «раҳбарлик» кўрсатмаси бериб жўнаб кетдилар. Бизга бундай «ёрдам»нинг кераги йўқ.

Шунингдек коммунистлардан Купцов, Петракин, Абламонов ва бошқа Ўртоқлар ҳам шаҳар партия комитетининг раҳбарлик услубидаги камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши коммунистларнинг зўр активлиги билан ўтди. Йиғилишда завод партия бюросининг янги состави сайланди ва очиб ташланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган кенг қарор қабул қилинди.

С. ВЛАДИМИРОВ.

Навоий номидаги Давлат халқ кутубхонасида Г. В. Плехановнинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан виставка ташкил қилинган. **Суратда:** виставкага келганлар Г. В. Плеханов асарлари билан танишмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Қисқа сатрларда

✦ Тошкент шаҳар Октябрь район Лабзак кўчасининг «Ҳақиқат» маҳалласида янги озиқ-овқат магазини очилиб ишга туширилди. Магазин меҳнаткашларга намунали хизмат қилмоқда.

Н. Тошпўлатов.

✦ Куйбишев район маданият бўлимининг ташаббуси билан маторремонт заводининг қишки кинотеатр биносида янги бошлангич музика мактаби ташкил этилди. Мактаб инвентар ва музика асбоблари билан етарлик миқдорда таъминланди.

Р. Кўчқоров.

✦ Сирдарё районидаги «Ленинобод» колхозининг қишлоғи йил сайин ўзгариб кўркамлашмоқда. Яқинда 5 километр йўлга шағал тўкилиб текисланди. Шунингдек колхозда маданий-маиший бинолар ҳам қурилди.

А. Набиҳўжаев.

✦ Бекобод шаҳридаги 16 автобаза ҳузурида 4 ойлик шоферлар тайёрлаш курси очилди. Курсга 30 киши қабул қилинди, улар курсни битириб Мирзачўл ерларида ишлайдилар.

Н. Шербеков.

✦ Мирзачўл шаҳридаги ГЭС қурилишида ишлаётган ишчилар учун бир неча ўнлаб уй-жой бинолари, амбулатория, ошхона, буфет ва озиқ-овқат магазинлари қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Ҳозирда бу ерда қурилиш давом этмоқда.

Э. Худойқулов.

✦ Бекобод районидаги Сталин номли колхозда янги кичик электр станция қурилиб ишга туширилди. Станцияга иккита движок ўрнатилиб, колхоздаги жамоат бинолари, колхозчи ҳонадонлари ва пахта тайёрлаш пунктлари электр нури билан ёритилди.

Ж. Тўрахўжаев.

✦ Оққўрғон районидаги Каганович номли, Навоий номли, «Ленинобод», «Сталинчи» колхозлари телефонлаштирилди.

М. Канзафаров.

МИРЗАЧУЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Мирзачўлни бутунлай бўйсундирамиз

Халқимиз асрлар бўйи Мирзачўлнинг қақраб ётган ерларига сув чиқариш ва уни ўзлаштириш, чўлни гуллаб-яшнаётган боғларга айлантиришни орзу қилиб келган эди. Бу орзу фақат Совет ҳокимияти йилларидагина рўёбга чиқди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ — 1918 йил 21 майда В. И. Ленин Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш ҳақидаги Декретга қўл қўйди. Шундан бери ўтган вақт мобайнида совет кишилари чўл-биёбон бўлиб ётган мингларча гектар ерни серҳосил ерларга айлантирдилар. Чўл бағридан тортиб олинган ерларда янги колхоз ва совхозлар ташкил этилди, бутун-бутун районлар вужудга келди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мирзачўлдаги қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги тарихий қарори Мирзачўлни гуллаган водига айлантириш ҳаракатида янги давр очди. Партия ва ҳукуматнинг бу тарихий қарорида ўзбек ва қардош қозоқ халқларининг асрлар бўйи қилиб келган орзулари ифодаланган-дир.

Бутун совет халқи бир жон, бир тан бўлиб, партия чақириғига жавобан Мирзачўлни бутунлай бўйсундиришга отланди. Мирзачўлни севимли Ватанимизнинг энг йирик пахтачилик базасига айлантириш мақсадида Иттифоқимизнинг барча районларидан, турли касбга эга бўлган мутахассислар кела бошладилар. Ҳозир бизнинг қурилиш-монтаж бошқармамизда украинлар, туркманлар, руслар, арманлар, ўзбеклар ва мамлакатимиздаги бошқа миллат вакиллари ёнма-ён туриб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Коммунистик партия тарбиялаб, воғга етказган комсомоллар бу соҳада айниқса ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Улар дастлабки пайтларда юз берган қийинчиликларни сабот ва чидам билан енгиб, чўлга бошланган ҳужумда олдинги сафларда бормоқдалар.

«Главголодностепстрой»га қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг олдида қисқа вақт ичида бошқа қурилиш ташкилотлари билан биргаликда Мирзачўлнинг келгусидаги маъмурий маркази — Ленин шаҳрини қуришдек ғоят катта вазифа турибди. Қурилиш суръатини тезлаштириш ва бажарилган ишларнинг сифати юқори бўлишини таъминлаш учун биз индустриал методларни кенг қўламда қўлланамиз. Коллективимиз янги шаҳарнинг биринчи биноси пойдеворини қўйди. Шунингдек, 12 та икки квартирали уйжой бинолари ҳамда тўртта ётоқхона қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Коллективимиз турар-жой биноларини қуриш билан бир қаторда ўзининг ишлаб чиқариш базасини тобора кенгайтирмоқда. Ҳозир биз 15 километр узунликда автомобиль йўли қурилишини ҳам бошлаб юбордик. Ҳозир бу йўлга шағал ётқизилди.

Олдимизда турган ғоят катта вазифаларни бажаришимизда бизга бутун совет халқи ёрдам бермоқда. Ўралдан, Украина, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардан қурилиш ишларининг суръатини тезлаштиришга ёрдам берадиган жуда кўп миқдорда турли хил механизмлар, машиналар ва асбоб-ускуналар келмоқда. Коллективимиз билан бирга машина экскаватор паркимиз ҳам кун сайин ўсмоқда.

Ҳозир бизда юк машиналари, бульдозерлар, бетономешалкалар ишлаб турибди. Қурилиш учун зарур бўлган тош-шағал бизнинг объектга яқин бўлган карьерлардан темир йўл платформаларида келтирилмоқда.

Бу ерда Тошкент темир йўлининг ходимлари бизга жуда катта ёрдам бераётганликларини айтиб ўтиш керак. Темир йўлчилар бинокорлар учун зарур бўлган барча материалларни ўз вақтида етказиб бериб турибдилар.

Бошқарма ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўз посёлкаларини обод ва кўркам қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Бизда энг янги аппаратуралар билан ускуналанган касалхона ишлаб турибди.

Бошқарма маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилоти Мирзачўлни бўйсундириш иштиёқида бизнинг сафимизга келаётганларга қулай шароит яратиб беришга, уларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Бу соҳада бизга Ховос ва Боёвут район партия комитетлари ҳамда район ижроия комитетлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Янги йилдан бошлаб Ленин шаҳрини қуриш юзасидан бошланган ишларни кенг қўламда ривожлантириб юборамиз. Ёш, лекин аҳил коллективимиз ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш учун бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилади.

И. АКБАРОВ,

«Главголодностепстрой»га қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи.

Олимлар Мирзачўлни бўйсундирувчиларга ёрдам кўрсатмоқдалар

Ўрта Осиё илмий-текшириш ирригация институтининг коллективи 1957 йил учун илмий ишлар тематик планини тасдиқлади. Планда Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган текширишларга катта ўрин берилган. Жумладан, шўрхок ва батқоқ ерларни мелоратив жиҳатдан яхшилаш, пахта майдонларини янги усулда суғориш, экин майдонларини текислаш, гидротехника иншоотлари қуриш ва бошқа ишлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Институтнинг кўпгина бўлимлари аллақачон бу планни бажаришга киришди. Илмий ходимлардан бир группаси ғўзаларни машина билан ёмғир ёғдириб суғориш бўйича бу йил кенг миқёсда ўтказилган ишлаб чиқариш тажрибасини умумлаштирди. Бу прогрессив агротехника усулини қўриқ ерларни ўзлаштираётган хўжаликларда қўлланиш бўйича маслаҳатлар тайёрланди.

САНИИРИ қурилиш материаллар лабораториясининг коллективи Мирзачўлдаги эски гидротехника иншоотларини текшириш ишларини тугалламоқда. Бу нарса янги иншоотларни қуришда цемент ва бетоннинг маҳаллий шароитларга бирмунча мос бўлган сортларини гидроизоляция ва қурилиш материаллари сифатида фойдаланишда бинокорларни конкрет тавсиялар билан таъминлайди.

Институт илмий-текшириш ишларининг тематик плани В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг гидротехника ва мелиорация бўлими томонидан маъқулланган. (ЎзТАГ).

Ленин шаҳрига экскурсия

Яқинда Мирзачўл шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқувчилари бўлажак Ленин шаҳрига экскурсияга бордилар. Ўқувчилар чўл бағрида қад кўтараётган бу шаҳарнинг биноларига биринчи ғиштларни қўяётган қурувчилар билан суҳбатлашдилар. Илғор методлар асосида тез суръатлар билан қурилаётган бинолар болаларнинг диққатини жалб қилди.

Ўқувчилар келгусида шаҳарда қад кўтарадиган биноларнинг проекти билан танишдилар. Юқори синф ўқувчиларидан Б. Соибназаров, Э. Жабборов ва Г. Хўжаева ўртоқлар 10-синфни тамомлаганларидан сўнг Ленин шаҳри қурувчилари сафига келиб ишлашга қарор қилдилар.

М. АБДУРАИМОВ.

Коммунистлар—ишлаб чиқариш авангарди

Оҳангарондаги 9-шахта коллективи кўмир қазиб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажариб, бу давр ичида маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳисобига бир миллион етти юз минг сўм маблағни тежади. Коллектив юқори техника экономикаси кўрсаткичига эришгани учун 6 марта Бутуниттифоқ мукофотини олишга сазовор бўлди.

Коммунистлар ишлаб чиқаришда авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Д. Глиношкуров, Н. Файзуллин, Б. Алиев, М. Примқулов, А. Дубовин, С. Плотников сингари коммунистлар смена топшириқларини ҳар доим 1,5 ҳиссага етказиб бажаряётирлар. Улар ўз тажрибаларини ёш ишчиларга ҳам ўргатмоқдалар.

КПСС аъзолигига кандидат Ўртоқ Ф. Пискорский бошлиқ бригада аъзолари ёрдамчи вақтни тугатиш мусобақасининг ташаббускорлари бўлдилар. Бу бригада куракли серунум транспортёрларни тезкорлик билан кўчириш методини жорий этди. Натижада бу метод кончиларга белгиланган нормадан ортиқча ўнлаб тонна кўмирни юқорига чиқариш имкониятини берди.

Дон шахтёрларининг ҳар бир кончининг смена нормасини ошириб бажаришига қаратилган ташаббусига қўшилган кончилар социалистик мусобақани янада кучайтириб юбордилар. Шахтада кўмир қазиб чиқариш суръатини тобора ошириш мақсадида винтеляция системаси реконструкция қилинмоқда. Бунинг натижасида шахтада кўмир чиқариш миқдори янада ошади.

Партия бюросининг таклифи билан ҳамма участкалар тажрибали кадрлар билан мустаҳкамланди; ишчиларнинг техника ўқуви йўлга қўйилди. Кейинги вақтларда ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга катта эътибор берилмоқда. Агитколлективда 40 га яқин агитатор ишлаб турибди. Агитаторлар ҳар хил темаларда суҳбатлар ўтказмоқдалар, системали равишда деворий газеталар чиқармоқдалар. Деворий газеталарда илғор тажрибалар оммалаштирилиб, камчиликлар танқид қилинмоқда. Ҳар бир смена ва бригадаларнинг кундалик иш натижаларини акс эттирувчи кўргазмали тахта, техникадан унумли фойдаланишга қаратилган плакатлар меҳнат унумдорлигини янада оширишга ёрдам бермоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

Улар Мирзачўлни ўзлаштиришда ишлайдилар

«Главголодностепстрой» Мирзачўл шаҳрида шоферлар тайёрлайдиган махсус курс ташкил қилди. Ҳозир бу курсга 80 киши қабул қилинди. Шулардан 32 киши етуклик аттестати эгаларидир. Булар курсни тамомлаб шоферлик правасини олгач, Мирзачўлни ўзлаштиришда ишлайдилар.

Шунингдек «Главголодностепстрой» Мирзачўл шаҳри ва атроф районлардаги ўрта мактабларни тамомлаб, олий ўқув юртларига кира олмаганларга бинокорлик, экскаваторчи, бульдозерчи касбларини ўргатиш тадбирларини кўрмоқда. Улар ҳам касб эгаси бўлиб олгач, саҳрони ўзлаштиришдек умумхалқ ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Саноат корхоналари лабораториялари ишини яхшилайлик

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришда корхона лабораторияларининг роли каттадир. Шаҳардаги кўпгина завод ва фабрикаларда ҳозирги замон совет фани ва техникаси ютуқлари асосида ускуналанган, малакали инженер-техник кадрлар билан мустаҳкамланган лабораториялар ишлаб турибди. Лабораторияларнинг ходимлари фақатгина ишлаб чиқариш процесслари ва маҳсулот сифати устидан контроллик қилиб бориш билангина чекланиб қолмаётирлар.

«Таштекстильмаш», лак-буёқ, «Ташсельмаш» заводлари ҳузуридаги лабораториялар ва илмий ходимлари ишлаб чиқариш процессларини системали суратда кузатиб бориш билан бир вақтда кенг миқёсда илмий-текшириш ишларини ҳам олиб бораётирлар.

Сўнгги вақтларда «Таштекстильмаш» заводининг марказий лабораторияси ходимлари ишлаб чиқаришга янги прогрессив технологияни қўлланиш ҳамда машиналар иш унумини ошириш соҳасида анчагина иш қилдилар. Экспериментал лабораторияда йигирув халқаларини ишлатда термик режимнинг таъсирини ўрганиш ва халқанинг қанчалик мустаҳкамлигини синаб кўриш каби ишлар муваффақиятли равишда олиб борилмоқда. Лабораториянинг илмий ходимлари йигирув халқаларини тайёрлаш учун кўп миқдорда сарф қилинаётган металлни иқтисод қилиб қолиш ҳамда бу деталлни тайёрлашнинг янги усулини қидириб топиш ва уни мумкин қадар тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этишга қарор қилдилар.

Завод мутахассисларидан Саватюгин, Строганов ва Проскуряков ўртоқлар политехника институтининг илмий ходимлари Кришталь ва Молчанов ўртоқлар билан ҳамкорликда йигирув халқаларини пайвандлаш методи билан тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Бу метод асосида тайёрланган деталь ихчам бўлади, механик ишловни оз талаб қилади. Дастлабки лаборатория синовларида бу усулда ишлаб чиқарилган халқанинг анча мустаҳкам эканлиги аниқланди. Шунинг қувонарлиги, биргина йигирув халқасини прогрессив технология асосида тайёрлаш ҳар йили 200 тонна металлни иқтисод қилиб қолиш имкониятини берди.

Технология процессларини янада яхшилаш ва маҳсулотнинг янги турларини тез ўзлаштиришда «Ташкенткабель» заводи лабораторияларининг ходимлари ҳам катта экспериментал ишлар олиб бормоқдалар. Резина лабораториясида резина аралашмалари рецептурасини ишлаб чиқиш, шунингдек сим ва кабель изоляцияси сифатини янада яхшилаш соҳасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Бундай тадбирларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши натижасида технологик процесслар анчагина қисқарди, маҳсулот таннархи аввалгига нисбатан камайди, 40 га яқин ишчини бошқа участкаларга ўтказиш имкониятини берди. Бундан ташқари резина лабораториясининг илмий ходимлари резиналарни қирқиш учун ишлатиладиган галтак оснасткасининг янги конструкциясини ҳам яратишга муваффақ бўлдилар. Янги оснасткани ишлаб чиқаришга жорий этилиши қўл меҳнатини тамомила бекор қилди ва бу процесс тўла автоматлаштирилди.

Заводнинг бошқа лабораторияларида ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида самарали ишлар қилинаётир. Масалан, электротехника лабораториясининг инженер-техник ходимлари мис ва алюминий кабеллари изоляциясини тезкор усулда тайёрлаш ва уни қисқа вақт ичида қуритиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозир бу усулни корхона цехларида кенг қўлланиб, меҳнат унумдорлигини оширишда ҳамда кўплаб электроэнергия ва бошқа қимматли хомашёни иқтисод қилиб қолишга эришилаётир.

Кўпгина саноат корхоналари лабораториялари илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юртларининг кафедралари фаолияти билан узвий ҳамкорликда ижодий иш олиб боришга катта аҳамият бераётирлар.

«Ташсельмаш» заводи лабораториясининг илмий ходимлари кўп йиллардан бери политехника институтининг илмий ходимлари билан яқиндан алоқа боғлаб, техника прогрессига оид муҳим проблемаларни ҳал этишда улардан илмий маслаҳат ва зарур адабиётлар олиб келаётирлар. Ўзаро ҳамкорлик саноат корхоналари учун ҳам, институт кафедралари учун ҳам назарий ва практик аҳамиятга эгадир.

Политехника институтининг илмий ходимларидан Васильев, Винник, Коверин ва бошқа Ўртоқлар кўп вақтдан буён «Ташсельмаш» заводи лабораторияси билан яқин ижодий ҳамкорликда кўпгина соҳаларда экспериментал иш олиб бораётирлар. Айниқса Ўртоқ Г. П. Васильев завод лабораторияси олиб бораётган илмий ишларга ўзининг катта ҳиссасини қўшди. У, корхона лабораторияси илмий ишлари планига мувофиқ экспериментал иш олиб бориб «СХС—1,2» пахта теришмашинаси шпинделини нитроцементация қилиш усулини яратди ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишда ўзи бош бўлди.

Лаборатория ходимлари завод инженери Ўртоқ Я. А. Успенский-нинг ташаббуси билан металл-керамикадан резецлар тайёрлаш прогрессив технологияси устида катта илмий текшириш ишлари олиб бордилар ва бу соҳада анчагина ютуқларни қўлга киритдилар. Орадан кўп ўтмай, металл-керамикадан бошқа технологик процесслларда ҳам кенг фойдаланиш имконияти мавжудлиги аниқланди. Ҳозир корхонада ишлаб чиқаришга жорий этилган бу метод йилига икки миллион сўм маблағни тежаб қолиш имкониятини бермоқда.

Тошкент лак-бўёқ заводида ҳам экспериментал ишлар яхши йўлга қўйилган. Завод илмий ходимлари лаборатория шароитида бўлса ҳам халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган муҳим ишлар устида илмий-текшириш ишлари олиб бораётирлар. Лак ва бўёқларни кўплаб ишлаб чиқариш, сифатини яхшилаш, хилларини ошириш учун маҳаллий хомашёдан ҳар тарафлама кенг фойдаланиш зарур эди. Заводнинг бош инженери М. Д. Бодня раҳбарлигида маҳаллий катальпа дарахти мойидан лак ва турли хил бўёқлар тайёрлаш методи муваффақиятли суратда ҳал қилиниб ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ўртоқ Боднянинг бу илмий-текшириш ишларига Ўзбекистон Фанлар академияси юксак баҳо берди. У техника фанлари кандидати илмий даражасини олишга сазовор бўлди.

Бироқ Тошкентдаги баъзи корхоналар лабораторияларининг раҳбарлари техника прогресси сингари актуал масалалар билан онда-сонда гина шуғулланиб келаётирлар. Ўз корхоналари ишлаб чиқаришни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришга етарли эътибор бермаётганликлари таажжублидир. Корхона лабораториялари фан ва техника фронтининг ҳал қилувчи участкаларидан бири ҳисобланади. Партия XX съезди белгилаб берган улуғвор программаларни муваффақиятли суратда бажариш учун техника прогрессини янада юксалтириш воситаларини қидириб топиш, бунинг учун эса хусусан корхона лабораториялари олиб бораётган илмий ишлар чегарасини кенгайтириш керак.

Корхона лабораторияси ходимлари олдига катта талаблар қўйиш билан бирга уларнинг нормал ишлашлари учун барча моддий техника шароитини яратиб бериш зарур. Шуни айтиш керакки, айрим корхоналарнинг лабораториялари дуруст ускуналанмаган. Бу лабораторияларда ишловчи илмий ходимларнинг малакаси етарли эмас. Лаборатория асбоб-ускуналари ҳозирги замон техника тараққиётига мутлақо жавоб беролмайди.

Электролампа заводи лабораториясида бир неча йиллардан буён ҳеч қандай экспериментал илмий-текшириш ишлари олиб борилмаётир. Лабораториянинг иш плани йўқ. Бу ерда ишловчи инженер-техник ходимларнинг малакаси талабга жавоб бермайди. Улар ўз фаолиятларини асосий маҳсулот сифатини текшириш ва браккa қариш курашишдан иборат деб биладилар. Завод лабораториясининг ташкил қилинганига бир неча йил бўлди. Лекин шу пайтга қадар бирорта ҳам янгилик яратгани йўқ. Лаборатория ходимлари шаҳардаги илмий-текшириш институти ёки бошқа корхона лабораториялари билан алоқа қилиб турмайдилар. Бу корхона раҳбарлари ўзларининг бутун эътиборларини цех ишлаб чиқаришига қаратиб, техника прогрессининг маркази ҳисобланган лабораторияни унутиб қўйдилар. Ана шунинг учун ҳам лаборатория ходимлари заводнинг жонли ҳаётидан ажралиб қолдилар ва сўнгги йилларда лоақал бирорта ҳам янги деталь яратолмадилар.

Худди шундай ёмон аҳволни «Автотрактородеталь» заводи лабораториясида ҳам кўриш мумкин. Корхона лабораторияси тор, қоронғу, ишлаш учун тамомила ноқулай бир ҳужрачага жойлаштирилган. Лабораторияни жиҳозлаш учун олинган қимматли асбоб-ускуналар эса ҳар қаерда чанг босиб ётибди. Уларни ўрнатиш ва ишга солиб юбориш учун завод директори ҳам, партия ташкилоти ҳам эътибор бермай келаётир.

2-«Ташхлопмаш» заводи маъмурияти ҳам сўнгги йилларда техника прогресси масалаларига сира яқинлашмай қўйди. Бу корхона лабораториясида унча-мунча олиб борилаётган эксперименталь ишлар ҳам аллақачонлар бошқа корхона лабораторияларида ҳал этилган ва муваффақият билан ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Масалан, «Ташсельмаш» заводи коллективи детални қобиққа қуйиш методи асосида тайёрлашни бундан бир неча йил бурун ўзлаштириб олган эди. Афсуски, 2-«Ташхлопмаш» заводининг лаборатория ходимлари ҳанузгача қимматли вақтларини зойи кетказиб, қобиққа қуйиш методини қидириб топиш устида зўр бериб бош қотирмоқдалар.

Шунга ўхшаш характерли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Завод лабораторияси ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг қийин ва мураккаб техника масалаларни ўз вақтида кечиктирмай ҳал этишга қодир бўлиши лозим. Бунинг учун у даставвал юқори малакали инженер-техниклар, тажрибали илмий ходимлар билан тўла таъминланиши керак. Лекин баъзи корхона раҳбарлари кўп ҳолларда бу муҳим ишга — ўз лабораторияларини тажрибали мутахассислар билан мустаҳкамлаш каби муҳим ишга парвосизлик билан қарайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхона илмий ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳам техника прогрессини юксалтиришда жиддий роль ўйнайди.

Корхона лабораторияларини янги техника яратиш марказига айлантириш зарур. Бунинг учун энг зўр ижодий кучларни, малакали инженер-техник ходимларни, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларини лаборатория атрофига бирлаштириш керак.

Корхона лабораторияларида олиб борилган илмий ишларнинг хулосаси ва натижаларини, тажрибаларни кенг пропаганда қилиш ва уларни турли корхона лабораторияларидаги билан алмаштириб туриш ижобий фойда келтиради. Айниқса илғор корхона лабораториялари ўз тажрибаларини оммалаштиришлари лозим.

Лаборатория ишларини ташкил этишдаги айрим камчиликлар илмий ишларни жадал суръатлар билан олиб боришга тўсқинлик қилаётир. Масалан, «Автотрактородеталь» заводи лабораторияси техника контроли бўлими ихтиёридадир. Бу мутлақо нотўғри. Корхона лабораторияси бевосита бош инженернинг раҳбарлиги остида иш олиб бормоғи керак. Чунки бош инженер корхонада техника прогресси билан боғлиқ бўлган барча ишларга етакчилик қилади ва бунинг учун у жавоб беради.

Саноат корхоналарининг ҳамма участкаларида янги техникани кенг қўлланишга эришиш учун завод лабораториялари қудратли илмий-текшириш базасига айлантиришимиз керак. Бунинг учун лабораторияларни энг янги фан ва техника ускуналари билан таъминлаш, уларни юқори малакали илмий кадрлар билан мустаҳкамлаш зарур. Шаҳардаги юзлаб корхоналарда кўпмингли инженер-техник ходимлар армияси хизмат қилаётир. Лекин уларнинг кўпчилиги завод лабораториясидан ташқарида иш олиб борадилар. Улар орасида фан ва техника кандидатлари, умуман илмий иш олиб бориш тажрибасига эга бўлган кишилар кам.

Техника прогрессини янада ривожлантириш учун корхона лабораторияларига кўпроқ эътибор берилиши керак.

И. ТИТКОВ,

Тошкент шаҳар партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг инструктори.

Барча колхоз ва совхозларда дала ишларини конвейер усулида ташкил этиб, кузги шудгорлашни янада кучайтирайлик!

☆

Совхознинг илғор бригадаси

Меликўзи ака Мамажонов 3-«Боёвут» совхозида бир неча йилдан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. У, пахтачилик соҳасида бой тажриба орттирган. Улар ер шароитини яхши ўрганиб, янги прогрессив усули, агротехника фани ютуқларини кенг қўлланиб, шу билан бирга механизациядан унумли фойдаланмоқдалар.

Бригада ишчилари бу йил механизаторлар билан ҳамкорликда ғўзалари икки томонлама парвариш қилинган 62 гектар ерда зиммаларига олган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан бошланди.

Бригаданинг Б. Ахророва, Ш. Қурбонова, Х. Ҳамробоева каби чевар теримчилари мавсумда хирмонга 9-10 тоннадан пахта топшириб, ўз аҳдларининг уддасидан чиқдилар. Бригада гектаридан 31 ўрнига 40 центнердан пахта топшириб, бригадаларо социалистик мусобақада ғолиб чиқди.

Шу кунларда бригаданинг пахта далаларида аввалгидай жўшқин меҳнат нафаси кезмоқда. Барча куч далада қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга, ерларни ғўзапоялардан тозалаб, шудгорлашни тезроқ туталлашга сафарбар этилган.

Азамат пахтакорлар ўзларининг бу фидокорона меҳнатлари билан келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрламоқдалар.

Ю. ЮСУПОВ,
Ж. КАРИМОВ.

Ариқ ковлайдиган-текислайдиган универсал машина

ЭСКИ ТОШКЕНТ. (ЎзТАГ). СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги Ўрта Осиё Давлат машина-синаш станциясида ариқ ковлайдиган — текислайдиган универсал машинани синаб кўриш ишлари тугалланди.

Станциянинг директори Д. Н. Шмелев ЎзТАГ мухбири билан қилган суҳбатида бундай деди:

— СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг сув хўжалиги бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси томонидан ишланган «КЗУ-0,3» янги механизми универсал ва юқори унумлидир. У «ДТ-54» трактори билан рамадан иборат бўлиб, унга зарур бўлган иш органлари ўрнатилади. «КЗУ-0,3» маркали ариқ ковлайдиган машинани тайёрлаш учун ҳаммаси бўлиб 250 килограмм метал талаб қилинади.

Янги механизм пахта майдонларидаги муваққат суғориш тармоқларини ва сув чиқарадиган эгатларни қазишда ҳамда текислашда, шоли майдонларига пол тортишда, шўрхок ерларни ювишга тайёргарлик кўриш ва буни ўтказишда, шунингдек бошқа ишларда ўзининг юқори унумдорлиги билан фарқ қилади.

Станция мутахассислари ариқ ковлайдиган-текислайдиган машинага юқори баҳо бердилар. Бу машина Ўрта Осиё республикаларидаги пахта экадиган МТСлар учун кўплаб ишлаб чиқариш учун тавсия этилган.



Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ **А. Боймирзаев** бошлиқ бригада аъзолари пландаги 31 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта топширдилар. Бригада аъзолари шу кунларда келгуси йил мўл ҳосили учун тайёрланмоқдалар. **Суратда:** бригада даласида кўрак чувилаётир.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Хотиржамликка берилиб, шудгорлашни пайсалга солмоқдалар

Сирдарё районидаги илғор колхозларда давлатга пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбурият бажарилгандан кейин ҳам дала ишлари сўръати бўшаштирилгани йўқ. Бу колхозларда қолган ҳосилни сўнгги граммигача йиғиб-териб олиш, ерларни ғўзапоядан тозалаш, пешма-пеш шудгор қилиш — келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш тадбирлари муваффақиятли амалга оширилаётир. Бу соҳада, айниқса «Ҳақиқат», Тарас Шевченко номли, Охунбобоев номли колхоз аъзолари яхши натижаларга эришаётирлар. Улар барча дала ишларини конвейер усулда ташкил қилганлар. МТС механизаторлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаганлар. Шунинг учун ҳам ҳосили батамом йиғиб олинган пахта майдонларининг асосий қисмини шудгор қилиб қўйилди.

Бироқ райондаги кўпчилик колхозларда олиб борилаётган иш шу кунларнинг талабига мутлақо жавоб бермайди.

Уста пахтакорлар «деҳқон бўлсанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деб жуда тўғри айтганлар. Шу кунларда «XVIII партконференция», «Ленинобод», Сталин номли, Ленин номли, Маленков номли, Хрущев номли колхоз далаларини айланган киши ана шу қимматли фикрга амал қилиллмаётганлигини, кузги дала ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини, ҳосили йиғиштириб олинган ерлардаги ғўзапояларни тозалашга, бу ерларни пешма-пеш шудгор қилишга эътибор берилмаётганлигини кўриб афсусланади. Хўш, нима учун район колхозларида бундай камчиликлар юз бермоқда? Бунинг асосий сабаби шундаки, колхозларнинг раҳбарлари давлатга пахта топшириш юзасидан олинган мажбурият бажарилгандан кейин хотиржамлик кайфиятига берилиб кетдилар. Ишни конвейер усулида ташкил қилишга, колхозчилар ўртасида социалистик мусобақани кучайтиришга аҳамият бермай қўйдилар.

Райондаги Ворошилов номли колхоз 1-МТС билан тузилган шартномага мувофиқ 770 гектар ерни кузда шудгор қилиши керак. Бироқ МТСдан юборилган ҳайдов тракторлари ва ғўзапоя юлиш машиналари ҳаддан ташқари унумсиз ишламоқда. Бу трактор ва машиналар сифатсиз ремонт қилинганлиги сабабли кўп вақт ишламай бекор туради.

Колхоз раҳбарлари (раиси М. Жултоев, бошлангич партия ташкилотининг секретари Ш. Мирзаев ўртоқлар) бу воқиадан ташвишланмайдилар. Трактор ва ғўзапоя юлиш машиналарининг унумли ишлашини МТС раҳбарларидан талаб қилмайдилар. Ана шунинг учун ҳам механик-ҳайдовчилар (трактор бригадасининг бошлиғи ўртоқ Рустамов) фақат хоҳлаган вақтларидагина ишга чиқадилар. Колхозда шу кунгача 150 гектар ер шудгор қилинди, холос. Ҳозир эса ғўзапоя юлиш машиналари ишламай бекор турганлиги сабабли шудгор қилиш учун тайёр ер йўқ.

«Ленинизм», «Коммунизм», «XIX партсъезд», Маленков номли колхозларда 300-350 гектарлаб пахта майдонидаги ғўзапоялар юлинган-у, бироқ йиғиб олинмаган. Механизаторлар эса ернинг бўшатиб берилишини кутиб туришибди. Бу колхозларнинг раҳбарлари аввало МТС механизаторларининг қимматли вақтларининг бекорга ўтишига сабабчи бўлаётган бўлсалар, иккинчи томондан ўтган йили йўл қўйган хатоларини такрорлаб, бу йил ҳам кузги шудгорни ўринсиз равишда кечиктирмоқдалар.

Райондаги айрим колхозларда кузги шудгор соҳасида шошмашошарликка йўл қўйилмоқда. Бунга Маленков номли (раиси Қ. Синдаров, бошлангич партия ташкилотининг секретари Э. Нурсаидов ўртоқлар), Сталин номли колхозларда йўл қўйилаётган камчиликлар мисол бўла олади. Маленков номли колхознинг 2- ва 10-бригадаларида ғўзапоядан тозаланмаган пахта майдонлари шудгор қилинган. Бундай аҳвол Сталин номли колхозда ҳам юз берган. Натижада бажарилган иш ҳаддан ташқари сифатсиз бўлган. Колхозларнинг раҳбарлари жавобгарликни ҳис қилмаганлари ҳолда ана шундай нотўғри ишга йўл қўйганлар. Шу кунларда ҳар иккала колхозда ҳам тракторларнинг унумли ишлаши учун ғўзапоядан тозаланган тайёр ер йўқ.

Колхозларда кузги шудгорнинг кечикаётганлигига МТС раҳбарлари ҳам айбдордирлар. Улар колхоз раҳбарларидан ерларни ғўзапоялардан тозалаб, тракторлар учун тайёрлаб беришни қатъий талаб қилмайдилар, далаларга юборилган тракторлар ва механизаторларнинг ишларидан хабар олмайдилар, агар улар механизаторларнинг унумли ишлашларини таъминлагнларида, далаларни айланиб, ҳақиқий аҳвол билан чуқур танишганларида, колхоз раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтирганларида эди, район кузги шудгор соҳасида орқада қолмаган бўлар эди.

Ҳар иккала МТСда ҳам шу кунгача 22 та ҳайдов трактори ремонтдан чиқарилмаган. Бу ҳолда МТС раҳбарларидан сўрасангиз, улар ҳамма айбни ГУТАПга қўйдилар. «Бизни зарур запас қисмлар билан етарли таъминламаётирлар» дейдилар.

Шу кунгача ҳар иккала МТС зонасидаги колхозларда 11 минг 700 гектар ўрнига фақат 2 минг гектар ер шудгор қилинганлиги ачинарли бир ҳолдир.

Район партия ва совет ташкилотлари кузги шудгор соҳасида ҳар иккала МТС ва колхозларнинг раҳбарлари томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тезда бартараф қилиш учун керакли тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Н. САИДОВ,
С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
У. ЖОНГИТОВ.

☆

Катта даромад

Гулистон районидаги Молотов номли колхоз пахтачилик соҳасида, шунингдек қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича орттирган бой тажрибалари билан Мирзачўл воҳасидаги колхозлар орасида алоҳида ўрин тутади.

Колхоз аъзолари бу йил ҳам ана шу бой тажрибалар асосида, — янги прогрессив усулларни, илғор агротехника фани ютуқларини кенг қўлланган ҳолда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва бу ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, ўз мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Улар бу йил пахтачиликнинг ўзидан 14,5 миллион сўм даромад олдилар, яъни ўтган йилгидан салкам 5 миллион сўм ортиқ даромад қўлга кирди.

Илгариги қамишзорлар ўрнини боғу бўстонларга айлантираётган бу колхозда бир неча юз гектар ерда мевазор, узумзор боғлар барпо қилинган. Бу йил ана шу боғлардан 750 минг сўм даромад олинди. Натижада колхозчиларга тақсимланадиган даромад ҳам ўтган йилгидан анча ошди. 1955 йилда ҳар бир меҳнат кунига 10 сўмдан пул, 2,3 килограммдан галла тақсимланган бўлса, бу йил 20 сўмдан пул, 3,5 килограммдан галла тақсимлаш мўлжалланмоқда.

Ўз муваффақиятларидан руҳланган колхоз аъзолари шу кунларда барча дала ишларини конвейер усулида ташкил қилиб, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратмоқдалар.

В. АБДУСАМАТОВ.

Мажбуриятдан ташқари 3 центнер

Ўртоқ Рихси Юсупов Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор звено бошлиқларидан ҳисобланади. Тажрибали пахтакор Рихсивой ота бошлиқ звено аъзолари бу йил 28 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта топшириб, социалистик мусобақада голиб чиқдилар. Илғор теримчилардан Ф. Азаматова, Г. Мирзааҳмедова ва О. Иногомова каби ўртоқлар мавсумда гоят уюшқоқлик билан ишлаб 13-15 тоннадан пахта тердилар.

Звено аъзолари ҳали далада кўракнинг кўплигини ҳисобга олиб, яна ҳар гектар ердан давлатга 3 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Маълумки звено аъзолари ўтган йили кузги шудгорлаш ишларини ўз вақтида ўтказганликлари учун ҳам бу йил ҳосил мўл бўлди. Шунинг учун улар ғўзапояси тозалаб олинган майдонларни пешма-пеш шудгор қилмоқдалар. Шудгор қилиш олдидан ҳар гектар ерга 500 килограммдан фосфор ва маҳалий ўғит солинаётир.

Х. БЕКМИРЗАЕВ.

Уй-жой ва маданий-маиший корхоналар қурилишига эътиборни кучайтирайлик

Меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражасини кўтариш вазифасини ҳал этишда уй-жой шароитини яхшилаш масаласи катта аҳамиятга эга. Шу сабабли Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимиз уй-жойлар ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар қурилишига зўр эътибор бермоқдалар.

Иттифоқ ҳукумати Тошкент шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш ва обод қилиш тўғрисида махсус қарор чиқариб, унда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 812 миллион сўм капитал маблағ ажратгани меҳнаткашларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш тўғрисида қилинаётган гамхўрликдан далолат беради. Шу қарорга биноан Тошкентда 1956-1960 йиллар мобайнида 385 минг квадрат метр уй-жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилиши зарур. Бу вазифани бажариш соҳасида бирмунча ишлар қилинмоқда.

Қурилиш ташкилотлари уй-жой ва маданий-маиший корхоналар қурилиши планини амалга ошириш ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиш учун курашмоқдалар. Улар шу йилнинг 10 ойи мобайнида 1956 йил учун уй-жой қурилишига ажратилган 49 миллион 164 минг сўм маблағдан 32 миллион 857 минг сўмни, соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаб ва коммунал корхоналари қурилишига белгиланган 18 миллион 615 минг сўм миқдоридаги маблағнинг қарийб 17 миллион сўмидан фойдаландилар. Ҳозир шаҳар меҳнаткашлари учун 15 минг квадрат метрдан кўпроқ ҳажмда уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди, уларга 450 дан ортиқ оила кўчиб кириб, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. 7 минг квадрат метрга яқин уй-жой бинолари фойдаланишга топширилиш олдида турибди.

Бу йил бинокорлар ўқувчилар учун 6 та мактаб биноси қуриб бердилар. Бularда 73 та синфхонаси бўлиб, меҳнаткашларнинг 3 мингга яқин болалари ўқиб, билим олмоқдалар.

Қурувчилар ва қурилиш ташкилотлари ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигини оширишда, қурилаётган биноларнинг сифатли бўлишида катта роль ўйнамоқда. Ҳар ўн кунда социалистик мусобақа натижалари якунланади ва голиб чиққанлар рағбатлантирилади. Ноябрнинг сўнгги ўн кунлигида ўртоқ Давидов бошчилик қилаётган 972-УНР планни 198 процентдан ошириб бажариб, социалистик мусобақада голиб чиқди ва шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

Қўлга киритилган ютуқларни кўрсатиш билан бирга шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, қурилиш ишларида ҳали камчиликлар кўп. Айрим қурилиш ташкилотлари объектнинг сифатсиз қурилишига йўл қўймоқдалар, уй-жой бинолари белгиланган муддатда қуриб, беками-кўст топширишга эътибор бермаётирлар. Буларга мисол қилиб 973 ва 701-УНРларни (бошлиқлари Биченков ва Векслер ўртоқлар) кўрсатиш мумкин. 701-УНР тўқимачилик комбинати ишчилари учун қурилаётган 4 қаватлик уй-жой биносини чалалигича фойдаланишга топширган. Бинонинг канализация, иситиш воситалари ва мўрилари қуриб битказилмаган. Шунинг натижасида бу бино ҳозир ҳам иситилмаётир.

Проектлаш ташкилотларининг ишида ҳам камчиликлар бор. Тошкент проектлаш ташкилоти қурилаётган объектларнинг проект ҳужжатларини анча кечиктириб берадилар. Бунинг натижасида қурилишга ўз вақтида киришилмайди, қурилиш ишлари судралиб кетади. Бундай камчиликларга батамом хотима бериш зарур.

Шаҳар қурувчиларининг олдида янги йилгача яна 22 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой биноларини фойдаланишга топширишдек муҳим вазифа турибди. Бу вазифани амалга ошириш учун кураш, янги йилда меҳнаткашларга сифатли ва кўркам уй-жой бинолари тортиқ қилиш шарафли ишдир.

М. МИРХУЖАЕВ,
Тошкент шаҳар капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ўқиш қуролларини қачон оламиз?"

Газетамизнинг шу йил 4 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида редакцияга ёзилган хат босилган эди. Хатда Бўстонлиқ районидаги мактаблар дарслик китоблар ҳамда ўқув қуроллари билан етарли таъминланмаганлиги, район матлубот союзининг раҳбарлари бу муҳим ишга эътибор бермай келаётгани кўрсатилган.

Тошкент область халқ маорифи бўлимидан редакциямизга хабар қилишларича, текширишда хатда келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Бўстонлиқ район матлубот союзи дарслик китоб ва ўқув қуролларини 1 сентябргача олган бўлса ҳам складда сақлаб келган. Бўстонлиқ район партия комитети китоб ва ўқув қуролларини тез вақт ичида мактабларга тарқатиш чораларини кўрган. Бюро қарори билан дарслик китобларни ҳеч қандай асоссиз складда сақлаб қўйгани учун район матлубот союзининг раиси ўртоқ Трусов қаттиқ огоҳлантирилган.

„Буларнинг тақдири билан ким қизиқади?"

Юқоридаги сарлавҳа билан чиққан материалда Олмалиқ шаҳридаги қурилиш трестига ишлаш учун келган ёшлар ўртасида тарбия ишлари етарли даражада эмаслиги ва бошқа камчиликлар танқид қилинган эди.

Олмалиқ шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ Турдиевнинг редакциямизга хабар қилишича, текширишда газетада келтирилган фактлар исботланган. Қурилиш тресті комсомол комитети ёшлар ўртасида сиёсий ва тарбиявий ишларни жонлантиргани. Қурувчи ишчи ёшлар ўртасида шу куннинг темасида лекция ва суҳбатлар ўтказишга алоҳида эътибор берилабошлаган.

Шаҳар комсомол комитети ёш ишчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашда бошлангич комсомол ташкилотларига ёрдамни кучайтирган.

1957 йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлайлик

1956 йил тугаб бормоқда. Ана шу йил давомида қишлоқ хўжалиги ходимлари партия ташкилотлари раҳбарлигида бирмунча яхши натижаларга эришдилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари анча кўпайтирилди.

Ҳозирги пайтда қилинган ишларни якунласа бўлади. Областимиз 21 ноябрда пахта тайёрлаш давлат планини бажарди, 4 декабрда эса социалистик мажбурият тўла адо этилди. Давлатга 465 минг тонна пахта топшириб берилди ёки ҳар гектар ердан 24,5 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Колхозлар бўйича гектаридан 25 центнердан, совхозлар бўйича 22,5 центнердан пахта топширилди. Бу йил пахта етиштириш майдони ўтган йилгидан ўзгармагани ҳолда 1955 йилгига нисбатан 20 процент кўпайтирилди.

Бу йил пахта ҳосилининг оширилишида қишлоқ хўжалигида янги агротехника методларини кенг қўлланиш, ташкилий хўжалик ишларни яхшилаш, механизациядан кенг фойдаланиш ҳамда меҳнат унумини ошириш туфайли эришилди.

Луб экинлари етиштирувчи колхозларнинг аъзолари, МТСларнинг механизаторлари бу йил айниқса зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилдилар. Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларининг колхозлари луб экинлари ҳосили етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни ошириб бажардилар, давлатга 117 минг тонна каноп ва жут пояси топширилди ва план 133 процент бажарилди. Экинларнинг ўртача ҳосили ҳар гектар ерга 55 центнерданга тўғри келади. Ваҳоланки 1955 йилда ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил олинган эди.

Луб экинлари ҳосили етиштириш бир йил ичида 48 процентга кўпайди, олтинчи беш йилликнинг сўнгги йилига мўлжалланган топшириқ ошириб бажарилди.

Область колхозларида картошка, сабзавот, полиз экинлари ҳосили етиштириш ҳам анча яхши бўлди, маккажўхори экиш кўпайтирилди.

Йирик шохли моллар, қўй, эчки, чўчқачиликни ривожлантириш колхозлар сектори бўйича анчагина ривожлантирилди. Бу соҳада йиллик план бажарилди. Ҳозирги вақтда ҳар бир колхоз ўзининг сут-товар фермасига эга. Бу фермаларда молларнинг маҳсулдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ҳозирги вақтда 1072 килограммни ташкил этади. Бу, ўтган йилдагига нисбатан 227 килограммдан кўпдир. Колхозларда сут етиштириш 42,6 процентга кўпайтирилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ютуқларимиз бизни қувонтиради. Лекин биз бу билан хотиржам бўлиб қолмаслигимиз керак. Ҳали колхоз ва совхозларда фойдаланилмаётган ички резервлар бор, ишдаги камчиликларни тузатишимиз, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини янгидан-янги ғалабаларга эришиш йўлида уларни ғайратлантиришимиз керак.

Шу кунларда келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин ҳозирлашимиз, колхоз, совхозларда пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ошириш, чорвачиликни янада ривожлантириш йўлида астойдил ишлашимиз зарур.

Кузги шудгорнинг мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳар бир деҳқонга маълум. Ана шу ишни муваффақиятли ўтказиш учун бизда барча имкониятлар бор. Шунга қарамай, кузги шудгор ишлари ҳалигача қизитиб юборилгани йўқ. Ҳайдов тракторларининг бир қисми шу пайтгача ишга туширилган эмас, ишлатилаётганларининг эса иш унуми паст.

Шудгорлаш юзасидан декабрнинг биринчи ўнкунлиги учун белгиланган топшириқ 39 процент бажарилди. Ерни шудгор қилиш вақтида агротехника қоидасининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Масалан, Ўртасарой районидаги Оржоникидзе номли колхозда ер саёз ҳайдалаётгани устига шудгордан олдин маҳаллий ва минерал ўғит солинмаётир. Ўртасарой районидаги 1-МТС ҳамда район раҳбарлари нима учундир ана шундай аҳволга чидаб келмоқдалар.

Октябрь районидаги Тельман номли, Энгельс номли колхозларда ерларни ғўзапоядан тозалаш жуда секинлик билан бажарилмоқда. Натижада шудгор кечиктириб юборилаётир.

Кузги шудгорнинг ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилишида Мирзачўл районидаги биринчи МТС (директори Ўртоқ Сутюшев), Пахта МТСи (директори Ўртоқ Коломейцев), Бекобод районидаги иккинчи МТС (директори Ўртоқ Муҳамаджонов), Ўрта Чирчиқ районидаги 2-МТС (директори Ўртоқ Акопян), Охангарон районидаги МТСлар (директорлари Кошкин, Самограй ўртоқлар) жуда орқада қолмоқда. Бу МТСларнинг раҳбарлари шудгор сўръатини ошириш учун чинакамига иш олиб бормаётирлар. Афтидан улар ўз зиммаларига юкланган масъулиятни — келгуси йил мўл ҳосили учун замин тайёрлашни унутиб қўйган бўлсалар керак!

1957 йилда ҳосилни ошириш соҳасидаги шу кунларда қилинадиган ишлар қанча совхозларда ҳам ёмон аҳволда. 1-«Фарҳод» совхози (директори Ўртоқ Полвонов), «Дружба» совхози (директори Ўртоқ Нуриддинов) пахта планини бажармаган бўлса ҳам шу кунларда шудгорлаш соҳасида орқада қолмоқда. Бу совхозларда пахта асосан йиғиб-териб олинган. Аммо совхоз раҳбарлари келгуси йил мўл ҳосили учун, совхозни илғор хўжаликларга етказиб олиш учун курашмаётирлар, ўзибўларчиликка ташлаб қўйганлар.

МТС ва совхозлардаги трактор парки шундай кучлики, қўлимиздаги техника билан ҳар куни камида 8 минг гектар ерни шудгор қилишимиз мумкин. Ваҳоланки ҳозирги пайтда бор-йўғи 3 — 4 минг гектар ер шудгор қилинаётир. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси (ўртоқ Акрамов) ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика министрлар Советининг кузги шудгорни ҳар тарафлама кучайтириб юборишдан берган топшириғининг сўзсиз бажарилиши тўғрисида астойдил иш олиб боришлари керак.

Ирригация-мелиорация ишларини ўз вақтида бажариш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда экономика жиҳатидан камқувват бўлган колхозларга экскаваторлар билан, тупроқ қазиш машиналари билан алоҳида ёрдам беришлиги, бу колхозлардаги партов ва қўриқ ерларни ўзлаштиришда амалий тадбирлар белгиланиши зарур. Афсуски, область суғориш системалари бошқармаси бу иш билан етарли шуғулланмаётир.

Бу йил 5 миллион кубометр ҳажмидаги суғориш тармоқларини тозалаш зарур. Шунга қарамай, бу соҳадаги ишлар шу куннинг талабига мутлақо жавоб бермайди. Область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Полвонов ва унинг ўринбосари Ронин ҳамда бош инженери Соколов ўртоқлар ганимат кунларни қўлдан бой бериб қўймоқдалар. Улар ўз ишларини қайтадан қуриб, суғориш тармоқларини тартибга келтириш тўғрисида конкрет тадбирлар белгилашлари зарур.

Бу йил куз қуриқ келди. Шунинг учун ерларнинг шўрини ювиш ва запас сув бериш талаб қилинади. Акс ҳолда ер қатламида нам етарли бўлмай, баҳорда чигитнинг униб чиқишида қийинчиликлар юзага келади. Шунга қарамай, ери шўр ва сув танқис бўлган районларда ерларнинг шўрини ювиш ва запас сув бериш ишлари яхши йўлга қўйилмаётир.

1957 йилда колхоз ва совхозлар 150 минг гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экишлари белгиланди. Дастлабки маълумотларга қараганда анча яхши деб топилган ва колхоз ҳамда совхозлар ўрганиб қолган 60х45 сантиметр схемаси, шунингдек келажакда ўрганилиши зарур бўлган 50х50 схемаси билан кўпроқ ерга чигит экилади. Қисман ерларга ғўза 60х60 ва 55х55 сантиметр схемасида жойлаштирилади. МТС механизаторлари, агрономлар ва колхоз ҳамда совхозларнинг пахтакорлари ғўза парваришини иккитомонлама ўтказиш учун ҳозирдан бошлаб пухта тайёрланишлари ва бу соҳада зарур бўлган тайёргарликка эга бўлишлари керак.

Бу соҳада қандай ишлар қилинмоқда. Шу нарса ачинарлики, шу пайтгача ҳеч қандай иш қилингани йўқ. МТС ва совхозларнинг директорлари келаси йили қандай схема билан қанча ерга чигит экишлари тўғрисида шу пайтгача конкрет топшириқ олган эмаслар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Совхозлар министрлиги бу соҳада шошилинч тадбирлар белгилашлари, янги усулда ишлайдиган кадрларни ва техникани етарли тайёрлашлари лозим.

Областимизда қиш ичи тракторчилар, сеялкачилар, контролёрлар, звено, бригада бошлиқлари, бригада механиклари, колхоз раислари, инженерлар ҳамда партия, совет ва комсомол ходимларидан 20 минг киши қайта тайёргарликдан ўтишлари талаб қилинади.

Февраль ойининг охиригача янги усулда чигит экадиган барча техникани тайёрлаб қўйиш зарур. 4500 чопиқ трактори, 3 минг сеялка, 4 минг культиватор ва шу сингари бошқа машиналар ўз вақтида тахт қилиб қўйилиши керак. Бу ишларни тезроқ, ўз вақтида, бултургидан анча илгари муддатларда тайёрлаш талаб қилинади.

Бу ишларнинг муваффақиятли бажарилишида асосий масъулият даставвал район партия ва совет ташкилотлари ҳамда область қишлоқ хўжалик бошқармаси зиммасига тушади. Улар чигитни квадрат-уялаб ва тўғрибурчак-уялаб экиш соҳасидаги тажрибаларни, пахтачиликни ривожлантиришда янги ютуқларга эришаётган илғорларнинг муваффақиятларини кенг оммалаштиришлари зарур.

Об-ҳавонинг ҳозирги аҳволига қараганда баҳори галла экишни январь ойининг охиридан ва февраль ойида бошлаб юбориш мумкин. Шунинг учун колхозларда уруғлик фондини тахт қилиб қўйиш талаб қилинади. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда 1000 центнер бугдой, 2500 центнер арпа, 1600 центнер беда, 5 минг центнер маккажўхори уруғи етишмайди. Каноп уруғи тайёрлаб қўйишни ҳам ҳозирдан ўйлаш зарур. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги уруғчилик станцияси каноп уруғи тайёрлаш планини атиги 4 процент бажарибди.

Сабзавот колхозларида теплица ва парник хўжалигини мавсумга тайёрлаш муддати етиб келмоқда. Шунинг учун етарли миқдорда уруғлик картошка ҳамда сабзавот экинлари кўчати тайёрлаш учун ҳозирги пайтда барча тадбирларни амалга оширайлик.

Областимизда гўшт ва сут етиштириш ҳам талабга тўла жавоб бермайди. Қиш фаслида молларни тўла сақлаб уларнинг оригалаб қолишига сутининг камайиб кетишига йўл қўймаслик керак, бунинг учун молларни боқишни ҳамма вақт яхшилаш зарур. Чўчқаларни семиртириб боқишга алоҳида эътибор бериш керак. Партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, совхозларнинг директорлари, колхозларнинг раислари бу соҳада алоҳида иш олиб боришлари, чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан барча тадбирларни тўла амалга ошириш йўлида курашишлари лозим.

Колхозларда хисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриладиган ҳозирги даврда тушунтириш ҳамда ташкилий жиҳатдан кўпгина ишлар қилиниши талаб қилинади. Барча колхозчилар иштирокида бўладиган мажлисларда пахтачиликни ривожлантириш, чорвачиликни ва бошқа соҳаларни юксалтиришга ҳалал бераётган барча камчиликлар қаттиқ танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташланиши керак.

Партия ташкилотлари, колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари ўртасида партиявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан кенг тушунтириш ишлари олиб боришлари, олтинчи беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам муваффақиятли якунлаш учун бошланган социалистик мусобақага бошчилик қилишлари, партия XX съезди қарорларида кўрсатилган вазифани муваффақиятли бажаришда, қишлоқ хўжалиги экономикасини ва Ватанимизнинг куч-қудратини бундан ҳам оширишда ташкилотчилик ишлари олиб боришлари ва бу соҳада ҳамма вақт омма билан бир сафда бўлишлари керак.

П. НОВОСЕЛЬЦЕВ,
Ўзбекистон КП Тошкент область комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири.

СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг баёноти

Танжерда халқаро маъмуриятни тугатиш тўғрисидаги ва Танжер зонасидаги халқаро режимни бекор қилиш ҳақидаги масала юзасидан октябрь ойида Федалада (Марокаш) 9 мамлакатнинг конференцияси чақирилиши муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати 1956 йил 9 октябрдаги баёнотида Марокаш ҳукуматининг Танжерни Марокаш билан қайта бирлаштириш йўлидаги ташаббусини тасдиқлаган эди.

Совет ҳукумати 1906 йилда Алхесирас актини имзолаган, шунингдек 1945 йилда Парижда ўтказилган конференцияда қатнашган мамлакат ҳукумати сифатида халқларнинг ҳуқуқий тенглик ва ўз тақдирларини ўзлари белгилашдан иборат буюк принципларга амал қилиб ва Марокаш халқининг мустақил бўлиш ҳамда мамлакатни бирлаштириш йўлидаги адолатли интилишларини ҳурмат қилиб, Марокашнинг Танжерга нисбатан бўлган суверен ҳуқуқларини Совет Иттифоқи тамомила таниганлигини билдиради ва шу муносабат билан Танжер режими тўғрисидаги халқаро битимларнинг ўзига тааллуқли бўлган қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблайди.

Совет ҳукумати шунга амин дирки, Танжер халқаро режимининг бекор қилиниши ва Марокашнинг Танжерга нисбатан суверен ҳуқуқларининг тикланиши тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ва ҳуқуқий тенглик ва давлат суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш принципи асосида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати Марокаш халқининг миллий тикланиш ва мамлакатни яшнатиш ишида энг яхши муваффақиятларга эришувини истайди.

Совет харбий хизматчиси Х. Галиев ўз қисмига қайтиб келди

ВЕНА, 10 декабрь. (ТАСС). Совет харбий хизматчиси Х. Галиев хизмат бурчларини бажариш вақтида янглишиб, Венгрия-Австрия чегарасидан ўтган эди ва Австрия маъмурлари томонидан қўлга олинган эди. СССРнинг Венадаги Элчихонаси шу йил 28 ноябрда Австрия Ташқи ишлар министрлигига мурожаат қилиб, Х. Галиевни совет маъмурлари ихтиёрига дарҳол топширишни талаб этганлиги тўғрисида хабар берилган эди.

Яқинда Австрия Мудофаа министрлигининг вакиллари Х. Галиевни ўз қисмининг командири ихтиёрига топширдилар.

Миср ички ишлар министрининг баёноти

ҚОҲИРА, 10 декабрь. (ТАСС). МЕН агентлиги билдиради: Миср ички ишлар министри Муҳитдин Закария бирон сабаб кўрсатмасдан ишдан олинган ва ўрнига Миср ички ишлар министрининг ўринбосари лейтенант полковник Ҳасан Тоҳир тайинланган эди. Муҳитдин Закария, Миср яҳудийларидан бирортаси ҳам мамлакатдан сургун қилинмади, деди.

Ички ишлар министри яна қуйидагиларни билдирди: Англия-Франция агрессиясидан кейин Миср ҳукумати эҳтиёт чораси ва хавфсизликни таъминлаш чораси сифатида Миср ташқи ишлар вазирлиги ва Миср разведка ва контрразведка ташкилотлари ходимларидан 18 минг киши ишдан олинган эди. Ҳозирги вақтда, деди у, дунё яна хавф остида қолмоқда. Империалистлар Яқин Шарқда Миср халқига қарши қонли агрессия бошлаган эдилар. Мустамлакачилар мағлубиятга учраганликларига қарамай, ўз мустақиллиги учун курашаётган Африка ва Осиё халқларига нисбатан агрессив планларидан қайтмадилар. Шарқий Европа мамлакатларига келганда шуни айтиш керакки, деди Пин Чжень, бу мамлакатларга қарши «совуқ муносабатлар урруши» машинаси ишга солинди. Бундан мақсад — социалистик лагернинг бирлигини бузишдир. Империалистлар ўзларининг бутун кучларини Венгрияга қаратдилар ва бу мамлакатда бўлган воқеалардан коммунизмга қарши ва советларга қарши қутуриб кампания олиб бориш учун фойдаланмоқчи бўлдилар.

Нотиқ реакциянинг ҳужумини қайтариш ва тинчлик ҳамда инсоният прогресси учун курашни кучайтириш мақсадида барча тинчликсевар ва эрксевар халқларни ҳамда барча прогрессив кучларни янада маҳкам жипслаштириш зарур эканлигини таъкидлади. Пин Чжэнь хитой ва итальян халқларини бир-бири билан боғлаган дўстлик воситаларига тўхталиб ўтди. У сўзининг охирида Хитой Коммунистик партияси Марказий комитетининг Италия Коммунистик партияси VIII съезди қатнашчиларига юборган табрик телеграммасини ўқиб берди.

Съезд делегатлари Хитой коммунистларининг вакилини гулдурос қарсаклар билан табрикладилар.

Бугунги кечки мажлисда Мексика, Япония, Ҳиндистон Коммунистик партияларининг табрик телеграммалари ҳам ўқиб берилди.

Италия Коммунистик партиясининг VIII съездида

РИМ, 10 декабрь. (ТАСС). Кеча Италия Коммунистик партияси VIII съезднинг кечқурунги мажлисида бош секретарь Пальмиро Тольятти доклади юзасидан музокаралар давом этди. Мажлис бошида КПСС делегациясининг вакили, КПСС Марказий Комитети президиуми аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитети ва Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Е. А. Фурцева нутқ сўзлади, съезд делегатлари уни гулдурос овоция билан кутиб олдилар. Ўртоқ Фурцева ўз нутқининг охирида КПСС Марказий Комитетининг Италия Коммунистик партиясининг съездига юборган қуйидаги табрикномасини ўқиб эшиттирди:

ИТАЛИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Италия Коммунистик партиясининг VIII съездига ва у орқали барча итальян коммунистларига отаким қардошлик саломини йўллайди.

Сизнинг партиянгиз барча коммунистик ва ишчи партияларининг чуқур ҳурмат ва муҳаббатига ҳақли равишда сазовор бўлмоқда. У демократик, мустақил Италия учун оғир шароитларда қаҳрамонона кураш олиб борди ва олиб бормоқда, ишчилар синфининг манфаатларини мардларча ҳимоя қилмоқда, социализм, пролетар интернационализми байроғини, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик байроғини матонат билан кўтариб бормоқда. Итальян ва совет халқлари ўртасидаги традицион дўстона муносабатларни мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишда итальян коммунистларининг хизмати каттадир.

Италия Компартияси марксизм-ленинизм улуғ таълиматига амал қилиб ва уни ижодий равишда турмушга татбиқ қила бориб, халқаро коммунистик ҳаракатнинг қудратли отряди, Италия ишчилар синфининг ва меҳнаткашларининг тажрибали ва доно раҳбари бўлиб қолди.

Италия Компартиясининг ишчилар синфининг, касаба союз ва бошқа оммавий ташкилотларнинг бирлигига ўз ишчи кураши ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди. Компартия социал прогресс, демократия ва тинчлик сиёсатини амалга ошириш мақсадида италъян халқининг кўпчилигини — ишчиларни, деҳқонларни, интеллигенцияни ва ўрта табақаларни бирлаштириш учун қатъият билан курашмоқда. Ишчилар синфи барча отрядларининг биргалашиб ҳаракат қилиши ишчилар ҳаракатининг янги муваффақиятлар қозонишида, демократия ва социализм кучларининг ҳаммасини жипслаштириш ишида жуда муҳим роль ўйнайди.

Италия Компартияси ўзи учун Италия меҳнаткаш халқининг манфаатларидан, социализм манфаатларидан кўра юқори манфаатлар бўлмаганлигини ўзининг бутун фаолияти ва кураши билан исботламоқда. У мамлакатдаги барча демократик ва тинчликсевар кучлар билан биргаликда итальян меҳнаткашларининг турмушини яхшилаш учун, ўз ватанининг шонли келажаги учун, барча халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик учун ҳормайтолмай ва фидокорлик билан курашмоқда.

Қадрли ўртоқлар, съездингизнинг самарали ишлашини ва унинг қарорлари муваффақият билан амалга оширилишини тилаймиз.

Яшасин Италиянинг социалистик келажаги учун актив курашувчи Италия шонли Коммунистик партияси!

Италия ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

☆ ☆ ☆

РИМ, 10 декабрь. (ТАСС). Римда Италия Коммунистик партиясининг VIII съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Кеча кечки мажлисда Италия социалистик партияси раҳбарлигининг аъзоси Маццали съезд қатнашчиларига қарата табрик нутқи сўзлади. У айтдики, социалистлар съезднинг ишларини дўстлар ва ўртоқлар сифатида, реакцияга қарши курашда доим коммунистлар билан бирга бораётган ишчи партиясининг вакиллари сифатида кузатиб турибдилар.

Социалистик партия ва Коммунистик партия, деди Маццали, манфаатларнинг бирлиги ва меҳнаткашлар олдидаги умумий бурчлари туфайли бир-бирлари билан боғланган.

Компартия раҳбарлиги аъзолигига кандидат, «Унита» газетаси Рим нашрининг директори Пьетро Инграо бундай деди: Съезд Маццалининг социалистлар реакцияга қарши курашда доим коммунистлар билан бирга борадилар, деган сўзларини мамнуният билан кутиб олди.

Инграо айтдики, реакциянинг ҳужуми коммунистларга қарши қаратилибгина қолмай, балки Италиядаги аҳволни ўзгартиришга интилаётган социалистларга, сўл социал-демократларга, барча демократик кучларга ҳам қарши қаратилган.

Бугунги мажлисда Жак Дюкло Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан гапирди. У, съездга Франция Компартиясининг қардошларча саломини топширди ва француз коммунистлари билан итальян коммунистлари ўртасида кўпдан буён мустаҳкам алоқа борлигини таъкидлади. Дюкло Франция Компартияси Марказий Комитети ва «Юманите» газетасининг биноларига фашист унсурлар ҳужум қилганлиги муносабати билан кўрсатилган қардошларча бирдамлик учун Италия коммунистларига ташаккур билдирди.

Венециялик делегат Раваньян КПСС XX съезднинг халқаро миқёсдаги аҳамияти тўғрисида гапирди. Пролетар интернационализми принципларини эсда тутиб, деди у, айрим компартиялар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, делегациялар ўзаро учрашувини уюштириш керак ва ҳоказо.

Туриндаги энг йирик машинасозлик заводи «Рив»нинг ишчиси Ванони шу корхонада партия ишлари тажрибаси тўғрисида гапирди. У кейинги вақтларда корхона эгаларининг ҳужумига қарши курашда меҳнаткашларнинг бирлиги мустаҳкамланганлигини таъкидлади. Шу билан бирга нотиқ реформист тенденцияларга қарши кураш олиб бориш зарур эканлигини айтди.

Музокаралар давомида Хитой Коммунистик партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Пин Чжэнь съезд делегатларини табриклаб нутқ сўзлади. Ҳозирги вақтда, деди у, дунё яна хавф остида қолмоқда. Империалистлар Яқин Шарқда Миср халқига қарши қонли агрессия бошлаган эдилар. Мустамлакачилар мағлубиятга учраганликларига қарамай, ўз мустақиллиги учун курашаётган Африка ва Осиё халқларига нисбатан агрессив планларидан қайтмадилар. Шарқий Европа мамлакатларига келганда шуни айтиш керакки, деди Пин Чжень, бу мамлакатларга қарши «совуқ муносабатлар урруши» машинаси ишга солинди. Бундан мақсад — социалистик лагернинг бирлигини бузишдир. Империалистлар ўзларининг бутун кучларини Венгрияга қаратдилар ва бу мамлакатда бўлган воқеалардан коммунизмга қарши ва советларга қарши қутуриб кампания олиб бориш учун фойдаланмоқчи бўлдилар.

Нотиқ реакциянинг ҳужумини қайтариш ва тинчлик ҳамда инсоният прогресси учун курашни кучайтириш мақсадида барча тинчликсевар ва эрксевар халқларни ҳамда барча прогрессив кучларни янада маҳкам жипслаштириш зарур эканлигини таъкидлади. Пин Чжэнь хитой ва итальян халқларини бир-бири билан боғлаган дўстлик воситаларига тўхталиб ўтди. У сўзининг охирида Хитой Коммунистик партияси Марказий комитетининг Италия Коммунистик партияси VIII съезди қатнашчиларига юборган табрик телеграммасини ўқиб берди.

Съезд делегатлари Хитой коммунистларининг вакилини гулдурос қарсаклар билан табрикладилар.

Бугунги кечки мажлисда Мексика, Япония, Ҳиндистон Коммунистик партияларининг табрик телеграммалари ҳам ўқиб берилди.

1956 йил учун Нобель мукофотлари топширилди

СТОКГОЛЬМ, 11 декабрь. (ТАСС). Кеча бу ерда химия, физика, медицина ва адабиёт юзасидан ҳар йили бериладиган Нобель мукофотларини топшириш маросими ўтказилди.

Маросимда нутқ сўзлаган профессор Эландер химия бўйича Нобель мукофотларини олишга сазовор бўлган совет олими Н. Н. Семёнов ва инглиз олими С. Хиншелвуднинг асарлари назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар атоқли химик олимларни самимий табрикладилар.

Америка олимларидан Уильям Шокли, Жон Бардин, Вальтер Браттен физика бўйича Нобель мукофотларини олдилар. Андрэ Курнан (АҚШ), Вернер Форсман (Ғарбий Германия) ва Дикинсон В. Ричардс (АҚШ) медицина бўйича мукофот олишга сазовор бўлдилар. Испан шоири Хуан Рамон Хименес адабиёт бўйича Нобель мукофоти олди.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ СЕССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 10 декабрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеяси «Венгрия масаласи» деб аталган масалани яна муҳокама қилмоқ учун ўз кун тартибида турган энг муҳим проблемаларни муҳокама қилишни бугун яна тўхтатди.

АҚШ ва бошқа 15 мамлакатнинг делегациялари резолюция проекти тақдим этдилар. Бу проектда Совет Иттифоқи «Венгриянинг мустақиллигини бузмоқда» деб даъво қилинади. Резолюция проекти СССР га ўз қуролли кучларини БМТнинг қузатиб туриши остида Венгриядан олиб чиқиб кетиш учун дарҳол чоралар кўришни таклиф этади.

ВЕНГРИЯ ГРАЖДАНЛАРИ ВАТАНГА ҚАЙТИШГА ИНТИЛМОҚДАЛАР

Венадаги Венгрия миссияси консуллик бўлимининг ахбороти

БУДАПЕШТ, 9 декабрь. (ТАСС). Венгрия телеграф агентлиги қуйидагиларни билдиради: Венадаги венгрия миссияси консуллик бўлимидан ахборот олинди. Ахборотда айтилишича, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг амнистия тўғрисидаги Формони эълон қилингандан буён ватанга қайтиб кетишни истаётган венгер гражданларининг сони узлуксиз кўпаймоқда. Ватанга қайтаётганларнинг кўпчилик қисмини 20 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Улар ўзларининг Венгриядан қочиб кетганликларини ўйланмасдан қилинган нотўғри ҳаракат деб ҳисобламоқдалар. Катта ёшдаги қочоқларнинг кўпчилик қисми, уларнинг сўзларига қараганда асосан сохта овозалар ва гиж-гижлаш таъсири остида ёт мамлакатда бошпана қидирганлар. Масъулиятсиз шахсларнинг таъсири остида ота-оналарининг ижозатидан ташқари ёт мамлакатга келиб қолган 10-12 ёшлик болалар миссияга келмоқда. Ҳар куни миссияга гоят кўплаб хатлар ва телеграммалар келаётир. Буларда ота-оналар ўз болаларини қидиришда ёрдам берилишини сўрамоқдалар. Миссия ана шу болаларни қидириш ва уларни ота-оналарига қайтариб юбориш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Миссия ватанга қайтиш истагини билдирган катта ёшлик венгер гражданларининг ҳам тез ватанга қайтиб кетишлари учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Миссиянинг берган маълумотларига қараганда, Австрия территориясига келиб қолган венгер гражданларининг анча қисми ихтиёрий равишда Венгрияга қайтишни истайди.

Венгрия меҳнаткашлари иғвогарларга зарба бермоқдалар

БУДАПЕШТ, 10 декабрь. (ТАСС). Будапешт радиоси билдиради: Мишкольц ва Оддаги йирик корхоналар ишчи кенгашлари, шунингдек Боршод шахталари ишчи кенгашларининг вакиллари область меҳнаткашларига хитобнома билан мурожаат қилдилар. Улар бу хитобномада иғвогарлик мақсадида забастовка ва намойишлар ўтказишга чақириб қилинган даъватларни қатъий суратда рад этадилар.

Будапештда, дейилади хитобномада, ўзини қонунга хилоф суратда марказий ишчи кенгаши деб атовчи группа меҳнаткашларни забастовкага провокация қилишга ундамоқда ва ҳукуматга қарши намойишлар ўтказишга даъват этмоқда. Кўпмиз Будапешт ишчи кенгаши аъзоларининг ишчилар синфи манфаатларини ифода этмаётганлигини кўриб ишонди. Уларнинг ишчилар билан ҳеч қандай алоқалари йўқ. Уларнинг мақсади — қонуний тартибни ва осойишталикни бузишдан иборат.

Биз, дейилади хитобномада, самарали ишимизни давом эттиришга, тартиб ва осойишталикни сақлаш учун бутун кучимиз билан кураш олиб боришга қарор бердик, ҳар қандай иғволарга қарши кураш олиб боришга қарор бердик. Биз, марказий ишчи кенгаши деб аталган кенгаш билан ҳар қандай алоқани узганлигимизни билдирамиз.

Будапештдаги бир қанча корхоналарнинг ишчи кенгашлари ҳам меҳнаткашларга шундай хитобномалар билан мурожаат қилдилар.

Будапештдаги аҳволга доир

БУДАПЕШТ, 10 декабрь. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикаси президиумининг фармонларига ва революцион ишчи-деҳқонлар ҳукуматининг кечаги қарорига муносабат тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу қарорга мувофиқ, барча территориал (район, шаҳар, область) ишчи кенгашлари қонунга хилоф деб эълон қилинган эди. Оддий ишчиларнинг кўпчилиги пойтахтда ва бутун мамлакатда тезликда тартиб ўрнатиш, осойишта ишлаш ва яшаш имконияти берилишини ёқлаб чиқмоқда.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ЯНГИ МИНЕРАЛ СУВ

Тошкентда беморларнинг дардига шифо бўладиган ҳар хил минерал сувлар топилмоқда. Топилган бу сувларни истеъмол қилган касал шифо топиб яхши натижаларга эришмоқда.

Киров район «Победа» паркидаги булоқда олиб борилган илмий-текшириш ишлари яна янги натижаларни берди. Минерал сувлардан касалларгина даволаниб қолмасдан, балки шаҳар ва ҳаммомларни иситиш ҳамда кир ювиш мумкин. Сувнинг ҳарорати 60-65 градус иссиқлиқда бўлган ҳолда 3000 метр чуқурликда ер остидан ҳақиқий қайноқ дарё ўтиши аниқланди.

Бундай қайноқ дарёлар совет гидерология разведкачиларининг янги техника асосида илмий ишлар олиб боришлари натижасида Тошкент вилоятида топилмоқда. Топилган иккинчиси эса Оржоникидзе район Луначарское поселкасида бўлади. Ҳозир «Пишчевик» стадионида 200 тонна босимга бардош бера оладиган 40 метрлик ковловчи вишка пролёти ўрнатилди. Янги қудуқ қазилиб, битиш олдида турибди. Умуман ҳар иккала қудуқ ҳам келгуси йилда қуриб битказилиб фойдаланишга топширилади. Бу қудуқлар ишга туширилса, аҳоли учун катта қулайлик туғилади.



Тошкентдаги «Пишчевик» стадионида 2500 метр чуқурликда минерал сув топилди. Ҳозир бу ерда «Средазнефтеразведка»нинг бригруппа ходимлари пармалаш вишкасини ўрнатмоқдалар. Суратда: пармалаш вишкасининг қурилиши.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XII да **Гамлет**, 13/XII да **Ганг дарёсининг қизи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XII да **Марварид қидирувчилар** (ўзбек тилида), 13/XII да **Трубадур.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XII да **Азиз ва Санам**, 13/XII да **Тоҳир ва Зуҳра.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 12/XII да **Ўзбек санъат усталарининг катта концерти** Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 12, 13, 14, 15, 16/XII да РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуровнинг хайрлашув гастроллари.** Томоша кеч соат 8 да бошланади. 16/XII да **тўрт марта томоша** кўрсатилади (эрталаб соат 10 ярим, кундуз 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», — кундуз ва кечқурун Кеч соат 9 да янги бадиий фильм **«Эски тошбақа» капитани.**

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ РЕСПУБЛИКА КИНОУСТАНОВКАЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ:

Меҳмонхона бекаси

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ-СПЕКТАКЛЬ

Карло Гольдони комедияси асосида ишланган.

Режиссёр — **М. Названов.**
Оператор — **Н. Большаков.**

Ролларда:

О. Викландт, А. Мягких, М. Названов, И. Воронов, В. Якут, Э. Геллер, Р. Муратовлар қатнашади.

Фильмни «Мосфильм» киностудияси 1956 йилда ишлаган.

Узоқ йўл

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

В. Г. Короленко ҳикоялари асосида ишланган.

Сценарий авторлари — **Б. Бродский, М. Ромм,**
Постановкачи режиссёрлар — **Л. Гайдай, В. Невзоров.**

Ролларда:

С. Яковлев, К. Игнатова, В. Белокуров, Л. Губанов, Н. Колофидин, А. Антонов, Г. Бударов, В. Покровский, Й. Рижов, А. Ячницкийлар қатнашади.

Фильмни «Мосфильм» киностудияси 1956 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 10302. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1582.